



Муҳаббатдан яшнар кўнгил,
Хур тупроққа бойланаман!
Ёру диёр севган ўғил –
Отабекка айланаман!...



"ФАРФОНА"

ISBN 978-9943-347-04-5



9789943347045

Абдул ҲАМИД

КЎНГИЛ ҚАЛЪАСИ

Ўз.2.
№ 18.

чр. 2007

Абдул ҲАМИД

КЎНГИЛ ҚАЛЪАСИ

тарихий-маърифий дoston

123816

«ФАРҒОНА» нашриёти,
2007 йил

63.3 (5У)
Ю91

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Сиддиқ МЎМИН,
филология фанлари доктори.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Маҳмуджон АБДУЛЛАЕВ, фалсафа фанлари доктори, профессор,
Абдувосит ЙЎЛДОШЕВ, фалсафа фанлари доктори, профессор,
Набижон Солиев, филология фанлари номзоди, доцент,
Абдусалим КОМИЛОВ, тарих фанлари номзоди, доцент.

Абдул ҲАМИД,
КЎНГИЛ ҚАЛЪАСИ

Тарихий-маърифий дoston. Сўзбоши – Р.Ж. ТОЖИЕВ,
«Фарғона» нашриёти, 2007 йил, – 88 б.

Ушбу дostonда халқимизнинг мустақиллик йўлидаги кураши, давлат арбоблари, миллий қаҳрамонлари ҳамда буюк мутафаккирлари, уларнинг халқимиз ва башарият олдидаги тарихий хизматлари ҳақида ўзига хос бадиий услубда ҳикоя қилинади. Асар муаллифи Бағдод туманида туғилган, техника фанлари номзоди, Фарғона политехника институтида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланади.

ISBN 998-9943-347-04-5

© «ФАРҒОНА» нашриёти, 2007 й.

«Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур»¹.

Ислом Каримов

СЎЗБОШИ

Юртимиз заминидagi қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган Марғилон шаҳри 2000 йиллик санасининг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг нишонланиши мустақил мамлакатимиз обрў-эътиборининг жаҳонда яна бир бор эътироф этилиши, унинг бой тарихий меросини, миллий давлатчилигимиз, кўҳна қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланиши анъаналарини асраб-авайлаб, кенг тарғиб қилиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада юксалтириш йўлида қўйилаётган кутлуг қадамлардан биридир.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб юртимиз тупроғидан етишиб чиққан Амир Темур, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бурҳониддин Марғилоний, Имом Мотурудий каби буюк сиймоларнинг таваллуд саналари халқаро миқёсда нишонланиши, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа қадимий шаҳарларимиздаги Шарқ меъморлик санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қаралаётганлигининг амалдаги тасдиғидир. Юртбошимиз 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида шундай таъкидлайди: «Агарки тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улў аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўраимиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига,

¹ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998, 25-б.

ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз»¹.

Абдул ҲАМИД (Абдулҳамид Юсупов)нинг «Кўнгил қалъаси» достони ҳам миллий мафкурамиз илгари сураётган талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, яратилган бадиият намуналаридан биридир. Достонда Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби давлат арбобларининг Ватанимиз ва жаҳон халқлари тарихида тутган ўрни, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Исмоил Жавҳарий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларнинг муҳим илмий ва муҳандислик кашфиётлари ҳақидаги илмий асосга эга бўлган маълумотлар бадиий талқинда берилган.

Достон илк саҳифалариданоқ китобхоннинг эътиборини жалб этади, фактик материалларга бой, ўзига хос услуби, ширали тили уни ниҳоятда ўқишли қилган. Энг муҳими, муаллифнинг самимиятини ва билимининг кенглигини ҳар бир фалсафий-лирик манзара тасвирида ҳис этиб турасиз. Асарда ҳалқимизнинг асрлар давомида миллий эрк ва озодлик йўлидаги қаҳрамонона кураши, айниқса, чор мустамлакачилиги зулми ва шўро истибдодига қарши кураши ўз ифодасини топган. Ватанимизнинг мустақилликка эришиши тарихий қонуният бўлганлиги ва бунда Юртбошимизнинг буюк тарихий хизмати ҳам ҳаққоний кўрсатиб берилган.

Одатда, асари орқали эгасининг иқтидорига баҳо берилади. Маъқул келса, шахсиятига ҳам қизиқиш пайдо бўлади. Шубҳасиз, «Кўнгил қалъаси»ни ўқий бошлаганингизда унинг муаллифи ким, қанақа одам деган саволлар хаёлингизга келади. Достон муаллифи Абдулҳамид Юсупов – қурилиш соҳаси бўйича мутахассис, техника фанлари номзоди, қатор илмий мақолалар ва ўқув қўлланмалар муаллифи. У адабиёт соҳаси бўйича академик маълумот олмаган бўлса-да, шоирлик унинг рўёбга чиққан иккинчи истеъдодидир. Ҳаваскор шоирнинг кўплаб шеърлари матбуотда эълон қилиниб, ўз ўқувчисини топиб улгурган.

Достон ўқувчи ва талаба ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, кенг халқ оммаси ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишда таъсирчан бадиий-тарихий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади, деб умид билдираман.

Р. Ж.ТОҶИЕВ,

*Фарғона политехника институти
ректори, техника фанлари доктори,
профессор.*

¹ «Халқ сўзи», 2007 йил, 23 февраль.

Марғилон шаҳрининг
2000 йиллигига бағишлайман

КИРИШ ДАРВОЗАСИ

I

Марғилонга ҳар келганда,
Оловлар кўнглим хумор.
Ёр васлига орзуманда,
Айланаман дўппи бозор.
Атрофим гул, сара чаман,
Гул чехралар айлар такрор:
– Жон, тасаддуқ, ёққан танланг,
Ичидасиз, бу ер гулзор!
– Сингилжонлар, этманг абгор,
Мен битирай юмушимни.
Отабекман, ўғлим Ёдгор,
Излаяпман Кумушимни!

II

Севган гулим сўлгани йўқ
Алла айтар палласида.
Ёдгор, онанг ўлгани йўқ,
Яшар кўнгил қалъасида!
Кўнгил арки билмас замон,
Ишқ хайкали – ҳар бир сиймо!
Муҳаббатда етук инсон
Бу қалъада боқий бино!
Кўнгил – ишқ деб ёнган бағир,
Ишқ кўнгилни этгай соҳир!

III

Ёшлигимни эслатар дард,
Дил баёзим бу кўнгилдир.
Юрагимдан пардалатган
Инжа созим бу кўнгилдир.
Бўзлатар, хар жилди кўз ёш
Гул қоғозим, бу кўнгилдир.
Кулса шодон, тўлса нолон,
Қиш ва ёзим бу кўнгилдир.
Отабекман, қўмсадим ёр,
Ишқибозим бу кўнгилдир!

IV

Ҳаёт –
Боқий,
Ўлганим йўқ.
Кумуш ишқи менга баёт,
Унинг ёри Отабекман!
Онам номи – Ўзбек ойим,
Хур заминда тупроқ, лойим!
Таваллудим
Минг йил аввал,
Азалим – Авесто, Ўрхун тошида.
Ғазалим – Афросиёб,
Навоий, Бобур,
Нодира, Увайсийнинг
Ишқ қуёшида.
Қонма-қон яшадим
Баҳодир умрин,
Юртсевар чўпон ва лашкарбошида!
Эркли элим қадим турқдир,
Она юртим Турон мулкдир!

Сўғдман, сак, турк – ўзбекман,
Турли номда яшадим мен.
Темурбек ва Улуғбекман,
Қодирийда ёшардим мен...
Яқин мозий замонамда
Беҳбудийман, Чўлпонман мен.
Ёвлар чопон йиртган жангда,
Юртим берган ўлпонман мен!
Элбек, Ойбек – Менинг фаслим,
Беклар тўпи – менинг наслим.
Давлатмандлар ичра нодир,
Эрксевар эл пуштидирман.
Бобур ёзган, асли ботир
Марғилоний муштидирман!¹

V

Ташлаб барча юмушимни,
Излаяпман Кумушимни!
Кумуш ҳаёт, ипонаман,
Кумуш ўсган қалъасида!
Кўрсам гўзал палласида,
Дилдан ёниб, қувонаман!
Сиз ўшами, дея бокса,
Қизарадир ёноқларим.
Тол попуқдан баргак тақса,
Ҳалинчақдир белбоғларим!
Ҳижронида чекдим қайғу,
Кўрсам эди кўзи хумор...
Бегим атаб, атаб Ёдгор,

¹ «Бобурнома» муаллифи ёзади: «Эли сорттур ва муштазан ва пуршару шўр элдур. Жангарилик расми Моварауннаҳрда шойидур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангарилар аксар Марғилонийдур».

Мени излаб юргандир у:
 Марғилонда ё Қўқонда,
 Шохимардон, Сарқўрғонда,
 Самарқанд ё Гиждувонда,
 Мардлар шаҳид ҳар қўрғонда...
 Балки Урганч қалъасида,
 Олмотанинг даласида,¹
 Кўктепада,² Мингтепада³,
 Балки Олой тоғ-тепада⁴,
 Жанглар ўтган ҳар тепада...
 Балки Ёркент, Қошғардадир⁵,
 Қўзғолончи Жиззахдадир,
 Балки шундоқ Бачқирдадир⁶,

¹ Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи қаҳрамони – Отабек Юсуфбек Ҳожи ўғли Олмота шаҳри яқинида, Оқмачит қалъасини ҳимоя қилиш учун бўлган жангда, Қўқон хонлиги лашкарлари сафида ҳалок бўлади.

² Аҳалтака водийси туркманларининг Кўктепа қалъаси чоризмнинг Туркистондаги босқинига қарши энг узоқ жанг қилган истеҳкомдир, 1881 йилда генерал Скобелев қўшинлари томонидан ваҳшиёна тарзда забт этилган.

³ Андижон вилояти Марҳамат туманининг илгариги номи, чоризм зулмига қарши Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири, 1898 йилда бутун Фарғона водийсини қамраб олган ҳалқ исёнининг раҳнамоси – Муҳаммадали Эшон (Дукчи Эшон) туғилиб ўсган жой.

⁴ Қирғиз ҳалқининг ватаншарвар қизи – генерал Қурбонжон Додхоҳнинг юрти.

⁵ Туркистоннинг шарқий ҳудудидаги шаҳарлар, қадимий маданият марказлари, чор ҳукуматининг таъқибига учраган шоир Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли (Фурқат) қолган умрини Ёркентда ўтказишга мажбур бўлган.

⁶ Фарғона вилоятининг Бувайда туманида жойлашган, ўтган асрнинг 20-йилларида миллий озодлик ҳаракатининг йирик вакиллари етишиб чиққан қишлоқ номи.

Балки олис фарсахдадир¹...
 Учратай деб хуморимни,
 Юрт кезишга шайланаман...
 Кўкси қалъа диёримни,
 Кумуш излаб, айланаман...

VI

Юрт учун жон берганим ҳақ,
 Лекин руҳим яшаб қолди,
 Авлодим деб, бўлди илҳақ,
 Дийдорингиз кутиб, толди...
 Меросхўр ва ворисларим,
 Ўзингизни танитсангиз!
 Гарчи сиздан олисладим,
 Қадрдонсиз, ҳар биттангиз...
 Бегонамас юз минг пуштим,
 Ахир хурман, руҳлар кучдим,
 Хур ҳаётим – руҳлигимда,
 Руҳ ҳаётим – хурлигимда!
 Бежиз эмас руҳ шод этиш,
 Шажарангни хур ёд этиш,
 Киришайлик, хур суҳбатга,
 Ёдгор, бошла, сенсан катта!

VII

Ёдгор бўлиб қизарган юз,
 Отабекка бошлади сўз:
 – Ота, Сизни кўп кутдим мен,
 Ғамда ўзни унутдим мен,

¹ Фарсах (тош) – узунлик, масофа ўлчов бирлиги, тақрибан 8 чакиримга тўғри келади, бу ерда яқин ўтмишда миллий озодлигимиз фидойилари сургун қилинган олис масофадаги ўлкалар назарда тутилмоқда.

Элим кўрган кўргиликдан,
 Бўғзимгача дард ютдим мен...
 Сиздан кейин кўп ўтмасдан,
 Ўртимга ёв босиб келди,
 Тўплар отиб, тўхтамасдан,
 Элни чопиб, осиб келди...
 Қуролсиз халқ ўсал бўлди,
 Тахти тобе, вассал бўлди.
 Наволи эл – ёвқур овоз,
 Достон бўлди Бобон¹, Номоз²...
 Тинмас эди ғалаёнлар,
 Бош-бошдоқсиз тўполонлар.
 Пўлатхон³ ва Дукчи чиқиб,
 Бўлди исён, кўзғолонлар⁴...
 Кўп бор тупроқ бўлди юзим,
 Бургутларим тупроқ олди...
 Икки бобом қўйдим ўзим,
 Улар мулки мерос қолди...
 Ҳожи бобом хобгоҳини
 Ночор бердим чоракорга,
 Қутидорнинг чорбоғини
 Бермаганман, мардикорга...
 Ишлаб ўтдим шу далада,

¹ Бобон Алибой ўғли 1869 йилнинг октябр ойида Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида туташ ҳудудларда бошланган халқ кўзғолонига бошчилик қилган.

² Халқ қасоскори Номоз Пиримқулов тўғрисида Х. Тўхтабоевнинг романи мавжуд

³ Чор ҳукумати ва унинг мустамлакачилик ҳаракатига қарши Қўқон хонлиги ҳудудида кўзғолон кўтарган халқ оммаси етакчиси.

⁴ Туркистонда 1899 йилдан 1916 йилгача мустамлакачилар зулмига қарши 4944 та катта-кичик исёну ғалаёнлар бўлганлиги русча манбаларда эътироф этилган.

Ўрин топдим маҳаллада...
 Бу орада уйландим ҳам,
 Бешта фарзанд берди Оллох,
 Ўғилларим ёвқур, ўктам,
 Исми – Раҳмат, Ҳикматулло.
 Учта қизим – онам рамзи,
 Исми – Ёқут, Гавҳар, Ҳилол,
 Бўйи етгач, биров ҳасми,
 Униб-ўсди, мард-ла ҳалол...
 Раҳматимни уйлантирдим,
 Аминхўжа¹ келган тўйга.
 Бетоблигин шунда билдим,
 Малҳам солиб ичган чойга...
 Шоир ийд²и ўтганида,
 Раҳматилло ўғил кўрди.
 Китоб кўриб, айтганим-да,
 Исм ёқди, Нурмат қўйди...
 Ҳўп зеҳнли бўлди бола,
 Устозидан ўтган эди.
 Мадрасадан у ҳавола,
 Олмон юртга кетган эди...
 Кўп воқеа кўриб ўтдим,
 Эслолмайман йилини мен,
 Оқ ва қизил келиб, йўртди,
 Билмай ўтдим тилини мен...
 Эл ишига ғайратим ёш,
 Бош-қош эдим уюшганга.
 Маҳаллага нуроний бош,

¹ Муҳаммад Аминхўжа Муқимий (1850 – 1903) – шоир, Ёдгорбекка тенгдош, «борди-келди»ли ўртоқ-биродар бўлган.

² Ҳайит маъносида.

Чиққан эдим «пайишкан»¹га.
 Қишнинг айни чилласида,
 Ариқ ковлаб оқшомгача,
 Куч-мадорнинг силласида,
 Етган эдик Оқтомгача...
 Водил пасти чала қолди,
 Иш тўхтатди пансод саси,
 Кетмон, белни миршаб олди,
 Билсақ, «Қонли Якшанба»²си...
 Ёрмозор³ ҳам нотинч чиндан,
 Қўрдик халқнинг қуршовида.
 Ҳоким тўра чиқмас индан,
 «От ахтачи⁴ тушовида»...
 Аскар тушиб ҳамма ёққа,
 Қўйин тўлди пуч ёнғоққа...
 Бир кун омоч чуқур ботиб,
 Қўшдан тиркиш узилганди,
 Шунда пошшо гаров қотиб,
 Муваққати⁵ тузилганди...
 Шошга бориб Раҳматулло
 Қизиқ гаплар топиб келди:

¹ Халқ хашари, қиш ойларида сув йўлларини созлаш мақсадида ўтказилган.

² 1905 йил 9 январь (якшанба) кунини чор ҳукумати пойтахтида намойишчилар ўққа тутилади.

³ Туркистонда чор мустамлакачилиги даврида Марғилон уездининг маркази (ҳоким тўранинг уйи) Ёрмозор қишлоғида бўлган.

⁴ Ҳайвонларни бичиш билан шуғулланадиган мутахассис.

⁵ 1917 йил Феврал инқилоби натижасида Романовлар сулоласи тахтдан четлатилиб, ўрнига Муваққат ҳукумат тузилган эди.

Таъсис Мажлис¹ эмиш пошшо,
 Бошқарармиш ўша элни...
 «Қачон?» десам, дейди «Вақт бор!»
 Доим шошган, тинмас шунқор,
 «Искобил»²да «Шўрои ислом»³
 Тузганидан хабарим бор...
 Кексалик-да, тоқда узум
 Музлаб, кўзим ёшланганди,
 Билсам, шунда қизил тузум
 Фитналари бошланганди...
 Раҳматбекдан топмай дарак,
 Бир кўрсам деб, жоним ҳалак,
 Бир кечага келиб кетди,
 Сўдғин эди озғин палак...
 Орқасидан қизил отлик
 Тун – каллаи саҳар келди.
 Уриб-суриб, донни ортди,
 Илик узди маҳал эди⁴...

¹ Муваққат ҳукуматнинг асосий вазифаси мамлакатда демократик идора усулини жорий этиш мақсадида халқ оммаси иродасини адолатли ифода этадиган Таъсис Мажлисини ўтказишга тайёрлаш, тоифавий, диний ва миллий маҳдудликни бекор қилиш ҳамда маҳаллий бошқарув идораларига ўтказиладиган сайловларда тенг ҳуқуқлилини таъминлаш бўлган.

² «Скобелево» – чоризм мустамлакачилиги даврида Фарғона генерал губернаторлигининг маркази, ҳозирги Фарғона шаҳри. Маҳаллий халқ қонхўр чор генерали Скобелев номига қўйилган шаҳар ва темир йўл бекати номини «Искобил», «Искобил –2» деб ишлатган.

³ 1917 йил 30 мартда Фарғонада «Шўрои ислом» кўмитаси тузилган эди.

⁴ Қизиллар шўро ҳукумати ва унинг лашкари учун аҳолидан дон маҳсулотларини зўровонлик билан тортиб олган. Бу ҳолат «Ҳарбий коммунизм сиёсати» даври (1918–1922 йиллар)да оммавий тус олган эди.

Аёл киши куюнчак-да,
 Бордан йўққа кетди куйиб,
 Вабо еди беланчақда,
 Ерга бердик кафан тугиб...
 Кексаликми, очарчилик,
 Мен бемор ҳам тузалмадим.
 Кузатишди, юртгарчилик,
 Нонвой қарзин узолмадим...

VIII

Қисмат тинглаб ёшланган кўз –
 Ҳикматбек ҳам бошлади сўз:
 – Мен асримда тўртинчи йил,
 Васиқамда кирилл хати...
 Кейин билдим, ўргангач тил,
 Шарқда флот ҳалокати¹,
 Ғарбда фитна ҳаракати,
 Оқ пошшони емирар сил,
 Остонада бешинчи йил...
 Бўлиб ўтган Марғилонда
 Ва Чимёнда иш ташлашлар,
 Темир йўлда ҳамда конда –
 Ён беришлар, ярашишлар...
 Шундан кейин бўлган бино
 Шаҳар дума раёсати,
 Жаллод қўлга бўёқ-хино –
 Столипин² сиёсати...
 Дунё нотинч, Ғарбда уруш,
 Мазлум Шарқда оғир турмуш...
 Нурмуҳаммад менга тенгдош,
 Бир мучалда туғилганмиз.
 Биз акамга «иккита тош»,

¹ 1904 йилда чор ҳукуматининг Тинч океани флоти Порт Артур бандаргоҳида қўктирилган, рус-япон уруши чоризм учун мағлубиятли тарзда якунланган.

² Биринчи рус инқилобидан кейинги даврда чор ҳукуматининг Бош вазири бўлган.

Машқ бошласа, суқилганмиз.
 Илк устозим акам эди,
 Кураш тушсак, ҳакам эди...
 Сабоқ олдик, Симга қатнаб,
 «Эрлар тузем мактаби»¹да.
 Кўчамизда жадид² мактаб,
 Бўлди илм матлабида...
 Акам ўктам ҳар жиҳатдан,
 Ориятли ўғлон эди.
 Кураш тушиб Ўш, Новқатда,
 Йиқилмаган полвон эди...
 Эл йиғилса, гузар жойда,
 Сўзи маъқул, яқдил эди.
 Умум Турон қурултойда,
 Марғилондан вакил эди...
 «Муваққат»дан Турон хурсанд,
 «Мардикорлик» бўлди бекор.
 Урушда Русь қўли баланд,
 Лекин чиқди сотқин, беор:
 Бўлиб рақиб оғушида,
 Фоҳишалик қилди Иблис...
 Ҳокимият орзусида,

¹ Чоризм барча мустамлака ўлкаларда, хусусан Туркистонда, ўз хизматида бўлганларнинг фарзандларини ўқитиш, шунингдек, ўз ғояларини маҳаллий аҳоли ва унинг болалари онгига қуйиш учун 1875 йилдан бошлаб рус бошланғич ва ўрта мактаблари, 1884 йилдан эътиборан эса «рус-тузем» мактабларини очган. 1886 йилда Туркистонда 14 рус-тузем мактаблари бўлиб, шундан 5 таси Фарғона вилояти шаҳарларида, жумладан биттаси Марғилон шаҳрида очилган эди.

² Чоризмнинг маданий империализмига қарши турган миллий маърифатпарварлар ҳам янги усул – жадид мактабларини очишни бошлайдилар.

Яксон қилди «Таъсис Мажлис»¹.
 Иsobтлади хунрез хулқи
 Бисмарк²ларга мойиллигин,
 Тузилганда Брест сулҳи³,
 Дунё билди хоинлигин...
 Корнилов ва Деникинлар⁴
 Бўйсунмади юртфурушга,
 Кирди барча миллат, динлар
 «Фуқаролар уруши»⁵га...
 Отам вафот этганида,
 Ўн саккиз ёш йигит эдим.
 Акам келиб-кетганида,
 Кўкси чўккан бургут эдим.
 Кишнар эди кўк тулпори,
 Мени қучди, гап айтмади...
 Мадаминбек йигитлари,
 Қайтганида у қайтмади...
 Ҳамиятли маҳалла-қўй
 Мени тезда уйлаб қўйди,
 Чоғроқ қилиб, ўтказдик тўй,

¹ Тарихда ўтган кўплаб мутафаккирлар турли шаклларда бир ҳақиқатни ифода этганлар: «Мустамлакачи миллат ўз мустамлакаларига озодлик бермай туриб, ўзи ҳам озод бўла олмайди».

² Отто Бисмарк XIX асрнинг иккинчи яримида Олмония федерал канцлери бўлган.

³ 1918 йилда тузилган мазкур битимда Россия ҳукуматининг вориси сифатида қатнашган Шўро ҳукумати мамлакат манфаатларини муносиб ҳимоя қила олмаган.

⁴ Биринчи Жаҳон Урушида чор ҳукумати қўшинларига қўмондонлик қилган таниқли ҳарбий саркардалар.

⁵ Тарихда «Фуқаролар уруши» номи билан юритиб келинган қуроли ҳаракатлар Шўро ҳукуматининг «Жаҳон инқилоби» ниқоби остидаги буюк империячилик хуружлари эди.

Тўйса, меҳмон-қуда тўйди...
 Нурмуҳаммад Европада,
 Илм излаб кезар эди,
 Хатда тамға Париж, Гаага,
 Гоҳ Лондондан ёзар эди...
 Бу орада бошланди «НЭП»¹,
 Эпи борлар иш бошлади.
 Уқувсизлар борини еб,
 Сармоядор бош қашлади...
 Бобо мерос мулкни сотиб,
 Очдим пахта корхонаси,
 Ҳамкор олмон, чехдан тортиб,
 Шерик фаранг сармояси...
 Тил билишим асқотдим,
 Бўлдим мастул лавозимда.
 Ғирром тошин йўқотдим,
 Барча тенгдай торозида...
 Улғаярди қизчам Ширин,
 Фарходини ўйлаб юрдим...
 Сўнг қўллади Йигит пирим,
 Кетма-кет уч ўғил кўрдим,
 Исми – Эрмат, Шермат, Қудрат,
 Яғрини кенг, арслон келбат...
 Ишим эди текис, равон,
 Туйқус бошга гурзи тушди,
 Бир кечада бўлдим ёмон,
 Сўрок, судлов қоним ичди...
 Айтсам, қолган хотиротим,
 «Қулоқ»қа хос бор ҳаётим.

¹ «Янги иқтисодий сиёсат», Шўро ҳукумати томонидан 1922-1926 йиллар мобайнида ўтказилган.

Бўлдим Херсон¹, Соловкида²,
 Ҳатто, Пётр зиндонида
 Танга зарблар тутқун эдим,
 Юлдуз кўрмай осмонида...
 Яна такрор судра-судра,
 Ёздиришар таржимаи ҳол.
 Сўроқ қилиб учта мурда,
 Ажалимдан очишар фол...
 Кўзим ёши улуғида,
 Дердим, сиз-биз одамзот-ку!
 У куларди мийиғида:
 – Сен рақам, суд ҳисобот-ку!..
 Ҳеч иложсиз айбим бормиш,
 Сергей Киров³ ўлимида.
 Шунга кўнсам, ҳаёт ёрмиш,
 «Гулаг»⁴ Сибир бўлимида...
 Кўрдим ўзим юзлаб, минглаб
 «Тавқи лаънат» осилганлар,
 Кодекс⁵ отдим, суҳбат тинглаб,
 Сохта дея, ёзилганлар...
 Келган «ахлоқ тузатишга»

¹ Украинадаги вилоят, Ўзбекистондан «қулоқ»лар сургун қилинган жой.

² Шимолий муз океанидаги орол, кўмир конлари бор, даҳшатли зиндонлар юрти.

³ Киров Сергей Миронович Шўро коммунистик фирқаси Марказий қўмитаси ва Ленинград вилояти кенгашлари котиби, навбатдаги фирка қурултойидан кейин, 1934 йилда сирли тарзда отиб ўлдирилган, қотили топилмаган, тергов жараёнини олиб борган шахслар жисмонан йўқ қилинган.

⁴ Собик Шўро ҳукумати Ички ишлар вазирлигининг Қамок лагерлари бош бошқармаси.

⁵ «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» тўғрисида сўз бормоқда.

Ирсиятчи, атомшунос,
 Табиб айбдор «музлатиш»га,
 Алвон ипин узган дорбоз...
 «Дев» инсонни хасп қилди,
 Минглаб рақам – кафансиз дўнг...
 Омон қайтиш насиб бўлди,
 «Халқ отаси»¹ ўлгандан сўнг...
 Уйга қайтсам, Зумрад омон,
 Кутиб олди букилганча.
 Йиғлаб юрди меҳроб томон,
 Олди битта тумор кулча...
 Учтасини қўйди ўпиб,
 Кулчаларга қараб толдим,
 Кўнглим сезиб, уввос солдим,
 Бир лаҳзада кетдим чўкиб...
 Улар – Эрмат, Шермат, Қудрат,
 Жангга кетган ўғилларим...
 Уйланишга кутган фурсат,
 Менга муштоқ кўнгилларим!..
 Зумрад ғами – кашта шоҳи,
 Қатим ипи тугулмабди.
 Тўрт бош узум сақлар токи,
 Бизсиз боғни супурмабди...
 Юрдим, юрак оловланиб,
 Йўл тополмай каловланиб...
 Тақдир иши, нетай, кўндим:
 Зумрадимга тиргак керак.
 Вафодорга меҳрим қўйдим,
 Фарзанд бўлди яна тилак...
 Қодир Оллоҳ марҳаматли,

¹ Иосиф Сталин учун шўро мафкураси тайёрлаган қаноғли ибора.

Етказдирди Шохруҳбекка.
Ўғлим – олим эл ҳурматли,
Падар зукко Улуғбекка...

IX

Наслин таниб, кўнгли тўлди,
Отабекдан бу сўз бўлди:
– Таниб олдим зурёдларим:
Неварамдан Ҳикмат омон,
Чеварамдир Шохруҳбегим,
Улуғбекдир ундан ўғлон!..
Бизга Ҳурлик армон бўлса,
Авлодимда ҳурлик замон,
Достончимиз омон бўлса,
Эркин авлод этар достон!..
Ёдгор, ўғлим, сента раҳмат,
Муродинга соҳибсан сен:
Юртлар кезиб, чекиб захмат,
Ўз отангни топибсан сен!..

X

Ёдгор асир хотиротта,
Зор ўтмиши тушди ёдга:
– Ота-онам кўп ўйладим,
Дараклашни ҳеч қўймадим...
Сизни топдим ҳур даргоҳдан,
Шаҳид қурбон ҳар жангоҳдан.
Отам топдим, шудир ганжим,
Онам топсам, битар ранжим...
Ўзбек ойим, йиғлаб айтган,
Тасдиқлаган Офтоб ойим:
Кумуш онам ҳажга кетган...
Оқ либосда бўлиб қойим,

Балки она юртга қайтган...
Арк-қалъада тургандир у,
Бизни излаб юргандир у?!
Ота, айтинг, нечун ёшсиз,
Отамсиз-ку, қаримассиз?
Асрий инсон қора қошсиз,
Ёши қирқдан наримассиз?!

XI

Тугатмасдан ўғлон хитоб,
Отабекда тайёр жавоб:
– Биласанми, фуқаромиз,
Халқнинг кўнгил аркидамиз.
Қаримаслик бунда қомус,
Фонийлардан фарқ этамиз...
Кўнгил шаҳри билмас замон,
Юзлаб авлод – боқий, омон.
Сиймоларнинг феъли кенгдир,
Авлод-аждод тенгқур, тенгдир...

XII

Отабекда сўнмас илҳом,
Ўз сўзида этар давом:
– Юзлаб қалъа кезмок юмуш,
Зора, учрар ёрим Кумуш!
Ҳижрон ўртаб, хуморбости –
Саёҳатим бошладим мард,
Ҳар бир йўлда ўртади дард,
Мард ўғлоннинг юки босди:
Дилга ҳурлик бўлди сарвар,
Шу ҳиссиёт йўлчи меҳвар,
Меъмор ота, меҳрим – паргар,
Қалъа қурай ватанпарвар:

Чизиб берай бунёдларим –
Фаҳрим бўлган биноларни,
Билсин, дейман, зурёдларим,
Мангу бино сиймоларни!

БАРҲАЁТ БИНОЛАР

I

Хур авлодлар ҳамроҳликда,
Бошланади сафар рўзи...
Кунгай, нурли сайхонликда
Муаллифнинг кириш сўзи:
– Бу жой – Зардўшт¹ маҳалласи,
Ҳар бир қадам абадият.
Хурлик сиймо таваллоси,
Бошланажак маданият...
Қалб – ойнаи жаҳоннамо,
Афросиёб² акс этади.
«Авесто»³га битиб нома
Машғалалар рақс этади...
Неча минглаб кўн терилар,
Достон бўлган таърифимдир.
Ерда туриб тоғ керилар
Биноларим тарихимдир!..

¹ Шарқнинг биринчи файласуфи, нотиғи, шоири, донишманди, Турон ва Эрон халқларининг исломгача бўлган дини – зардўштийликнинг ҳамда унинг қомусий китоби бўлган «Авесто»нинг асосчиси ҳисобланади.

² Туркистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири, Самарқанд шаҳри ҳудудидан топилган археологик меъморий ёдгорлик.

³ Яққахудоликка асосланган дастлабки динлардан бири – зардўштийликнинг асосий китоби, 12 минг ҳужиз терисига олтин суви билан ёзилган.

Марғилонсой «кўрфази»да
Бино – қадим маданият,
Оқтом, Суфон¹ ҳавзасида,
Симтепа²да хос қадрият!..
Икки минг йил Марғилонга,
Бордир далил, исботимиз:
Тушиб Машад³, Ғарб томонга,
Қазиб топдик ер остимиз...
Қизлартепа⁴, Арки аъло⁵
Қолдиқлари – илмий ашё,
Шаҳартепа, Хўжампошшо,
Мозортепа⁶ – антик дунё!
Бу – Пир Сиддиқ мажмуаси⁷,
Хўжа Эшон мадрасаси⁸...
Ҳар қадамда – қадамжолар,
Хур тупроқнинг хур нафаси!

¹ Оқтом қишлоғи Фарғона тумани ҳудудида, Суфон эса Қувасой шаҳри ҳудудида жойлашган қишлоқлар бўлиб, мазкур ҳудудлардан илк темир даврига оид, яъни эраиздан аввалги VI-III асрларга мансуб археологик ёдгорликлар топилган.

² Фарғона шаҳрининг истироҳат боғи ўрнида топилган, қадимий шаҳар белгиларига эга археологик ёдгорлик, ёши 2300 йилдан кам эмас. Сим ва Симтепа номлари зиёли халқимиз хотирасида ҳалигача сақланиб келмоқда.

³ Марғилон шаҳрининг ғарбий қисмидаги маҳаллалардан бири.

⁴ Марғилон шаҳрининг Машад даҳасидан топилган қадимги шаҳар.

⁵ Қадимги Қизлартепа шаҳрининг маъмурий маркази мақомидаги бино.

⁶ Марғилон шаҳрининг даҳалари, археологик ёдгорликлар топилган жойлар.

⁷ Шаҳардаги меъморий ёдгорликлардан бири (XVIII аср), Пир Сиддиқ ёдгорлиги деб ҳам юритилади.

⁸ Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасаси.

Бордик Қуббо, Лангаргача,
 Топдик будда ҳайкалгача,
 Қатлам ёшин аниқладик,
 Қўймай қовун пайкалгача...
 Топдик, икки оташкада¹ –
 Зардўштилик кошонаси,
 Пештоқ кошин мадрасада
 Ислоний хат дурдонаси...
 Марғилонга хушки калом,
 Бисёр фақиҳ, муҳаддислар,
 Сандикул орифийин² ном –
 Кўплигидан мударрислар!
 Қазиб топдик кўза, хумдон,
 Бу – хунароманд уста жойи.
 Сар нарида – урчуқ, дўкон,
 Тахлам-тахлам атлас, шойи...
 Шарқу Ғарбга ўтган йўллар
 Четламаган ипак шаҳрим,
 Шарафлайман, мохир қўллар,
 Энг аввало, она ҳалқим!

II

Кумуш излаб, дунё боққан
 Отабекка сўзим ёққан,
 Етук шоир ва муаррих,
 Шеърга солиб айтар тарих:
 – Тарих – мерос, ҳур шонимиз,
 Бўй кўрсатган имконимиз!
 Гавҳару зар кўрган заргар,

¹ Оташпарастрлар ибодатхонасининг асосий қисми, ўт ёқиладиган жойи.

² Сандикул орифийин – Орифлар макони («сандиги»)

«Шоҳнома»да бизмиз зарҳал!
 Герадот¹дан сўранг, биз ким?!
 Эрк, Озодлик бино талқин
 Этсак, олий даҳо ҳалқим:
 Тўмарисим – Жанна² д Арким³,
 Юзи чиноқ мард чўпонман⁴,
 Муқаннада олов жонман!..
 Эрк тупроғи менга ватан,
 Ҳурлик суяк-суягимда.
 Ватан билан жоним бир тан,
 Улкан расми юрагимда...
 Шу суратни чизишим шарт,
 Ёшлар кўнгил қалъасига:
 Авлод зарур содиқ ва мард,
 Ватаннинг ҳур палласига!

III

Сухбатда сўз чуқур кетди,
 Ҳикматбекка навбат етди:
 – Тарих – бино, қондош уруғ,
 Дўст миллатга «Кўкалдош»⁴ ман,
 Қозоқ оқин, Туркман улуг⁵,
 «Мулла Қирғиз»⁶ – маҳаддошман!
 Маҳад шарҳин айтай, тўхтаб:
 Қадим туркда олий мактаб...

¹ Қадимги юнон тарихчиси

² Жанна² д Арк – фаранг миллий озодлик ҳаракати намояндаси.

³ Афсонавий миллий қаҳрамонимиз Широқ ёдга олинмоқда.

⁴ «Кўкалдош» мадрасасини 1551 – 1575 йилларда Тошкент шаҳри ҳокими Кўкалдош қурдирган.

⁵ Улуг туркман шоири Маҳтумқули Хива ва Андижон мадрасаларида таълим олган.

⁶ Наманган шаҳрида жойлашган мадраса номи.

IV

Қон-қардошдан суҳбат давом,
Отабекда жўшди илҳом:
– Улуғ руҳлар боғлаб зарра,
Хур тупроқдан бино бўлдим.
Ёвлар тиғи синган марра,
Қалъаси Хур сиймо бўлдим.
Туронзамин – Момом номи,
Иним – эгиз қабилалар.
Битта тупроқ айвон, томи,
Талашмасин, набиралар!
Гар топилса, қадим гавҳар,
Бирга ёзинг, зарлавҳани,
Ёзинг, қардош муаррихлар,
Қизил ипсиз, хур лавҳани!

V

Ҳикматбекда чакнади кўз,
Дилдан айтди мухтасар сўз:
– Кўриб Тошкент, Наманганни
Англагандай бўлдик фанни:
Тарих – бино, бир пойдевор,
Бузсак босар яхлит девор...
Олсак-қўйсак, меҳроб нузар,
Асосдаги бир ғиштини...
Тойчоқ эмас, жаллоб судрар,
Отсиз кўриб ўз пуштини...

VI

Кумуш излаб, елдик Сурхон,
Ясталанди кўҳна Турон...
Ота ўйлар муҳаббатин,
Ёдгор олди сўз навбатин:

– Термизийлар юрти зохир,
Ёдгорликда меъмор моҳир:
Ҳар гумбазда – тўртта минор,
Тутар тоқдан тушган залвор...
Биоларда азим ҳикмат,
Мангу яшар минори бор.
Тиргаксизга тандир ибрат,
Сал керилса, томи абгор...

VII

Шохруҳбек жим разм солди
Ва сўзида расм солди:
– Тоқ, гумбаз-ла эту тирноқ –
Миноранинг юз хили бор.
Жаркўрғонда «Бурмали тоғ»¹,
Алп баҳодир, мускули бор!
Сарҳадда бор зўр ёдгорлик,
Тавоф этар аскар ўғлон,
Алпомишдай қомати тик,
Мардлар юрти дориломон!

VIII

Кумушойдан топмай дарак,
Отабекнинг жони ҳалак.
Гулзорларда ҳаёл сурар:
Ёрнинг руҳи – ҳар капалак...
Ёдгор кирди жонга оро,
Қиссасида ёр, Бухоро:
– Кўп бор айтган Офтоб ойим,
Таги-зоти шаҳри Шариф...
Офтоб бека, қиз чиройи

¹ Жаркўрғон минораси XII асрда қурилган, ҳозирги баландлиги 21,5 метр.

Амиргача бўлган таъриф...
 Йигит ва қиз – булбулу гул,
 Ишқ савдоси қийин бўлган ...
 Қизга тахтдор қўйган кўнгил,
 У шайтони лаъин бўлган.
 Билса ҳамки, бор ҳақиқат,
 Дор кўрсатиб зуғум этган.
 Қуда-анда кутмай ғурбат,
 Имдод излаб, олис кетган...
 Нажот бергач хонлик ери,
 Марғилонлик бўлиб кетган...
 Нон-туз ҳақи, шундан бери
 Бобом хонга хизмат этган...

IX

Хотирада уруғ-аждод,
 Ҳикматбек ҳам айлади ёд:
 – Айтар эди Офтоб момом,
 Зармитон¹да жигарлари,
 Яқин уруғ-аймоқлари,
 Қатиклашган қаймоқлари...
 Ромитонда ўй-хаёлим,
 Бордир онам хушхабари?!
 Шундай бир гап айтган бувом²,
 Ғиждувонда жигарлари,
 Ҳиндувонда улуғлари,
 Пиру муҳиб сулуклари...
 Бухорода ўй-хаёлим,
 Бордир, онам хушхабари?!

¹ Бухоро вилоятида жойлашган ҳудуд, бетакрор мазали суг-қатиғи билан машҳур.

² Фарғона вилоятида «бобо» ўрнида «буво», «катта» сўзлари ҳам ишлатилади.

X

Хотиралар қадрланди,
 Бухорога одимланди...
 Кумуш излаб дилхастамиз,
 Пир тупроққа пайвастамиз.
 Қадрдондир ҳар бир равот,
 Таништириб, Отабек шод:
 – Бу Сомоний мақбараси¹,
 Юртнинг қадим қасабаси ...
 Ипак йўли ёнбошида,
 Кўрган турфа матоларни.
 Неча пошшо, мингбошида
 Тинглаб бўлган садоларни...
 «Сомоний» бу – осмон сўзи,
 Юлдуз йўли – равоқлари.
 Ичга тортган сиймо кўзи,
 Хотиржамдир қабоқлари...
 Бинога хос сокин қудрат,
 Шу туриши – дунё ҳикмат...

XI

Шохруҳ боқиб ёдгорликка,
 Мозий сари кириб кетди.
 Хаёл элтди она мулкка
 Ва билгиси келиб, айтди:
 – Сомоний ва Қорахоний
 Ҳукмдорлар замонаси...
 Ким бошқарган Марғилонни,
 Борми номи, нишонаси?

¹ Исмоил Сомоний мақбараси, Сомонийлар сулоласи асосчиси шарафига IX асрнинг охири – X аср бошларида Бухорода қурилган меъморий ёдгорлик.

XII

Отабек жим, ўйлаб толди
 Ва билганин сўйлаб қолди:
 – У замонда Пайғу Малик
 Марғилонга ва Косонга,
 Балки Ўшу Рошидонга,
 Ҳоким деган бор эсдалик...
 Элни этган саодатманд
 Адолатли шоҳ, ҳукмдор.
 Шеърга сайёд ташлаб каманд,
 Девон тутган, ғазали ёр!
 Пайғу Малик Кошоний –
 Қасидада пири комил,
 Ҳатто, Тўғон Марғиноний,
 Ундан олдим, дер такомил...
 Бу Муҳаммад Авфий¹ сўзи,
 Асар «Лубоб-ул албоб»дир,
 Ҳиндистонда ўтган ўзи,
 Бизга мерос ҳур китобдир²...
 Марғилон чор атрофида
 Улус азал сарт ва турқдир,
 Жой кўп форсий изофада,
 Лек пири бир, бир сулуқдир...
 Шаҳрим эли хунаранддир,
 Тарикати Нақшбанддир.
 Аскияси, пайрови ёр,

¹ Муҳаммад Авфий 1172-1177 йиллар оралигида Бухорода туғилган, Ҳиндистонда яшаган ва 1227 йилда Дехлида вафот этган, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ ва Эронда яшаб ўтган 299 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида асар ёзиб қолдирган.

² Адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳамидий эълон қилган манбадан фойдаланилди.

Ханда қилиб, поклар ғубор...
 Элда достон Рожий¹си бор,
 Маломатий қозиси бор,
 Ҳукми, амри – адолатдан,
 Эл қутқарган ҳижолатдан...
 Отдан тушса хонис касга
 Талоқ тушмас тут кўрсатган,
 Гўдак уят қилган пастга
 Макруҳ соқол тутамлатган...
 Ундан ёдгор – ўн минг байти,
 Ҳур эсладик сафар пайти...
 Ҳатми Ориф – Ҳўжагоний
 Хотирлашдир ҳур даҳони...
 Марғиноний Самарқандда,
 Десам, кулмас билган банда,
 Битга халқмиз, бир дарахтмиз,
 Ҳур япроқмиз минг-минг бандда...
 Ватан – қадим Сўғд, Туркистон,
 Тил-лаҳжаси жуда бойдир,
 Ҳар Иштихон – «Шутури хон»,
 «Хон туяси чўккан жой»дир!

XIII

Юрган дарё, дерлар, нетдик,
 Ёдгорбекни тинглаб кетдик:
 – Элда юрар бир ривоят,
 Ровий бошқа, бир хикоят...
 Бухорода, бир замонда

¹ Ҳўжажон қози Домла – Рожий Марғиноний (1834 – 1918), Марғилоннинг қози колони, Фарғона водийсининг Бош қозиси – Қозикюл Кузот, тасаввуфнинг маломатия йўналишида пешқадам уламолардан саналади, ўн минг мисрадан зиёд назмий мероси мавжуд.

Йигит ва қиз бўлган экан.
Ҳарам тутган шоҳ зормонда
Қизга оғиз солган экан.
Ой кўнмабди, шоҳ ғазабда,
Меъмори опшиқ топган экан.
Ёр олдида, минг азобда
Ўн панжасин чопган экан...

XIV

Оқшом етдик «Лаби Ҳовуз»,
Шоҳрух боқиб, бошлади сўз:
– «Моҳи хосса»... «Моҳи хосса»¹...
Ойга ҳайкал, мрамор ясоқ.
Усто қўлин болта чопгач,
Ёлғиз қолган нурли асо...
Койимайман танҳо ойни,
Амр берган ўжар шоҳ-ку!
Бири – рашқда «Оқсарой»²ни
Бузган қайсар Абдуллоҳ-ку!

XV

Тонгда етдик азим минор,
Ҳикматбекда шеърга хумор:
– «Минораи Калон»³ дамиз,
Лайлакларга дил боғланди.
Гуё юксак осмондамиз,
Кўнгил қушдай ҳаволанди...
Кумуш руҳи оқ қушмикан,
Кўкдаги қуш Кумушмикан?..
Қишда нима ушлаб қолди,
Учмас Жануб томонларга?

¹ Бухорода XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида бунёд этилган амирлик саройи, меъмори – Уста Ширин Муродов.

² XIV аср охири – XV аср бошларида Амир Темур Шахрисабзда қурдирган улкан сарой.

³ Арслонхон минораси, Бухорода мелодий 1127 йилда қурилган, ҳозирги баланлиги 50 метр.

Тинчлигимиз хушлаб қолди,
Телпак отай осмонларга!

XVI

Кумуш излаб Хива етдик,
Айланамиз атроф қурух¹.
Саждагоҳлар тавоф этдик,
Отабекдан сўрар Шоҳрух:
– Нега бўйи ўсмай қолган,
Пойи ҳайбат «Калта Минор»²?
– Лойи ғиштга қусмай қолгач,
Чала ташлаб қўйган меъмори...
Ҳомий бўлиб улугвор хон,
Пойдеворин улкан терган.
Уруш сабаб ғазна нокон,
Тахт талашиш халал берган...
Халқ ғарибдир, тождорига –
Меъмorigа қайишмаса,
Шоҳ ғарибдир, бождорига –
Ҳақдорига қунишмаса...
Халқим билан тирноғу эт,
Юртбошининг қадрига ет!

XVII

Айланамиз Хоразмда,
Ҳикмат сўзи – шеър-назмда:
– Амударё, Эликқалъа,
Мангуберди ўсган дунё.
«Ичан қалъа», «Дишан қалъа»,
Улуғ тарих – ҳар бир бино.
Қалъа шохид зилзилалар,
Довул ва сел тошқинларга,
Жангу жадал, силсилалар,

¹ Қурух – узунлик ўлчови бирлиги (1 қуруқлик миляси), аниқ қиймати 1609,34 метрга тенгдир.

² Хива шаҳрида 1852 йилда, чор қўшинлари хонликка хуруж қилиб турган оғир бир даврда қурилган, асосининг диаметри 14,2 метр, лойиҳада баландлиги 70-80 метрга мўлжалланган, ҳозирги баландлиги 26 метрдир.

Мағриб – Машрик босқинларга...
 Талғат, зулмат шоҳид дунё –
 Икки дарё оралиғи,
 Амударё ва Сирдарё –
 Бахти, толе қоралиғи...
 Мангуберди, Темур Малик –
 Хур маъвода икки дарё.
 Урганч ҳамда Хўжандчалик
 Эрксевар арк билмас дунё...
 Темур Малик турган кўрғон
 Ололмаган ёв сипоҳи.
 Жалолиддин каби ўғлон
 Орзу қилган мўғул шоҳи...
 Хоразм арк қалъасини
 Жўжи қамал қилган узоқ.
 Ўраб қонли салласини,
 Кубро томда тутган байроқ...
 Жангдан кейин мўғул ҳайрон:
 Ўнлаб ўқлар шайхга ботган,
 Кўзлар очик, тана бежон,
 Туғ дастасин тиклаб қотган...

XVIII

Отабек – чўғ, яшнаб кетди,
 Ёнган юрак кўшиқ айтди:
 – Жасур, мардлар замонида
 Юракларга гулхан ёқдик.
 Бой берган шон армонида
 Дарёларга ташна боқдик...
 Сескантирманг гўдакларни:
 «Қара, ола бўжи келар!»
 Эзманг, қалби мурғакларни,
 Унут бўлсин «Жўжи келар!»
 Айтинг унга сўзин Кубро:
 Билсин, «Ватан - саждагоҳ»ни.
 Жалолиддин эрка туғро...
 Билиб ўссин бағри доғни!
 Гуллоладай юрагида
 Бош қон томир тилак бўлсин.
 Кучга тўлган кўкрагида

Чайир пайлар билак бўлсин.
 Юрагида олов ёнсин,
 Шууридан ҳикмат томсин!
 Бундай авлод ёв йўлатмас
 Ватан боғу даласига,
 Ҳатто мошдай тош қулатмас
 Хур кўнғилнинг қалъасига.

XIX

Ҳикматбек ҳам дилдан яшнар,
 Ҳикматли сўз айта бошлар:
 – Буни дерлар илмий тилда
 Мафкуравий иммунитет,
 Эрк биноси бўлса дилда,
 Ёт гоёга жунжикмас эт...
 Хур юракка кимки сарвар,
 Ўша – инсон, ватанпарвар!..
 Хур фарзандим, ҳар тўсиқда
 Баланд тутинг, нөмус-орни.
 Юрак амрим – хур кўшиқда,
 Куйлай, тингланг, Сарбадорни!

XX

Азоб, алам ўкинчлидир,
 Юртинг ёвлар қамчиласа...
 Тиғ яраси ўткинчидир,
 Қийин юрак санчиласа...
 Тўртиб уздим кир ҳалқани,
 Ясоқ-кишан пачоқлайман.
 Тонгда кийдим шу хирқани,
 Тупроқни хур кучоқлайман!
 Яхшиламанг, ёмонламанг,
 Жонга тегди сохта, риё.
 Зиндон ичра турсамда танг,
 Хурлигим – бир нурли дунё!
 Порлоқ кунлар ҳаёлида,
 Ёндим маёқ – олов бўлиб!
 Ҳилпирайман шамолида,
 Хурлар севган ялов бўлиб!

XXI

Сафар кўйин бурдик эрка,
 Бино бўлди Қашқадарё,
 Жонажон юрт Темурбекка,
 Кафт тупроғи – дур, тўтиё!
 Ёвга улоқ мулкимиздан
 Темур тузди ҳур салтанат,
 Тошлар қисмас илкимиздан
 Дунё олди илму хикмат...
 Унда шўрлик славянга
 «Олтин Ўрда» ёғий эди.
 Хон уруш деб сўрар танга,
 «Мужик»¹ ларга оғир эди...
 Куликово² қувди сойис³,
 Лекин сулҳи эмас пухта,
 Мўғул яна тугиб қайиш,
 Юкчи отга⁴ солди нўхта...
 Турон сари Тўхтамиш шай,
 Ўлпон сўраб оғиз солди,
 Темурбекдан «Ўзинг шундай
 Қуллуқ қил!», деб жавоб олди...
 Сўғиш⁵ бўлди ўтмай бир ой,
 Мўғул қочди Терек⁶ қараб,
 Таслим бўлди Берка Сарой⁷
 Тобе бўлди Москов тараф...
 Темур борса, атроф ўрмон,
 Аҳли тарқоқ «дремлянлар»⁸,

¹ «Қўрғонда тутиш ҳуқуқи (Крепостное право)» давридаги рус деҳқони, мазкур ҳуқуқ (тартиб) 1861 йилда бекор қилинган.

² Куликово жанги 1380 йилда бўлиб ўтган.

³ Соийс – отбоқар.

⁴ Отнинг Владимир зоти, оғир юкка чидамли қадимий зотлардан.

⁵ Жанг, уришиш маъноларини англатади, ўзбек тилининг кипчоқ лахжаларида ҳозир ҳам истеъмолда мавжуд.

⁶ Шимолий Кавказдаги дарё номи.

⁷ «Олтин Ўрда»нинг пойтахти, 1395 йилда Темур томонидан забт этилган.

⁸ Ўрмондаги ёввойи мевалар билан кунини кўрадиган қабилалар.

Ўз шоҳига экан товон,
 Холи ночор христианлар...
 Кулбаси ер, уймас экан,
 Торф¹ анқиган, захаролуд...
 Ярми «пийма»² киймас экан,
 Болдиргача чирмаб мовут...
 «Қиши – қаттиқ, ўлпон³ – ўлим,
 Ҳақ йўлига ювдим қўлим,
 Алҳазар!» деб, тутди ёқа,
 Отни бурди бошқа ёққа⁴...
 Булар шонли хотирадир,
 Тарихийдир кимлигимиз!
 Рақиб билган тош отадир,
 Пуч санайди илигимиз...
 Барчамизга Ватан – улуғ,
 Лек Адолат ундан қутлуғ⁵.
 Зотга боғлиқ инсон ёди,
 Насли пастдан чиқар нонкўр,
 Тухмат қилар шулар зоти:
 «Темур – жаллод, Темур – қонхўр!»
 Манкурт билмас раҳмат сўзин,
 Банд ечганнинг ўяр кўзин!..
 Дунё билар, Чингизхондан
 Мерос дунё – вайроналик,
 Афросиёб бўлган вайрон,
 Бўлган қаттиқ «салом-алик»...
 Кўчманчига фузало ёт,
 Чўлга йиғиб ҳалок этган,

¹ Торф – ботқоқликларда ўсимлик-дарахт қолдиқлари шиббаланишидан ҳосил бўлган қатлам, ерли аҳоли кулбаларида тўшама ва иситиш учун ёқилги сифатида фойдаланган.

² Кийгиз этик.

³ Ўлпон – тобе, қарам мамлакатлар аҳолисидан олинадиган солиқ.

⁴ Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан галабаси славян халқларининг мўғуллар зулмидан узил-кесил халос бўлишида халқ қилувчи тарихий аҳамиятга эга бўлган.

⁵ Буюк рус ёзувчиси Федор Достоевский ёзган эди: «Россия – буюк, лекин ҳақиқат ундан ҳам буюк!»

Қул бозорда Аттордай зот¹
 Сотилмай деб шаҳид кетган...
 Темурбек – хон, битди хорлик,
 Вайронада бунёдкорлик,
 Мироб, боғбон кўрди пайкал,
 Туронзамин топди сайқал!
 Буюк Амир бўлди ҳомий
 Меъмор, олим, санъаткорга,
 Тузуклари, ўрнак номи –
 Қувват ҳар бир ижодкорга!..
 Нега булар, шўро ўртоқ,
 Яширгансиз халқдан, кўпдан?!
 Агар кимнинг ови² ямоқ,
 Ҳадик қилар тикон, чўпдан!..

XXII

Темурбекдан суҳбат ҳамон,
 Отабекда равон карвон:
 – Ғарб элчиси Оқсаройда
 Ҳашаматдан қотиб қолди...
 Бир гадойдай «унган жой»да
 Нега ойлаб ётиб қолди?!
 Хат ўқилар Боязид³дан,
 Машваратни Ғазаб олди:
 – Қасос олгум, тезда итдан!
 Панд бесамар, қасос қолди...
 Аягандим, турк ўғлини⁴,
 Не тонг, еди ўз хунини!..
 Амир ғамгин, ўйга толди...

¹ Фаридиддин Аттор – тасаввуф таълимотининг йирик намояндаси, «Мантқиқут тайр» достонининг муаллифи. Кексайган, лекин тили ўткир Атторни мўғул сарбози қиличда ўлдирган.

² Шим (иштон)нинг ови – икки паччасини ўзаро туташтирувчи, тўғарақ шаклдаги улоқ қисми.

³ Боязид Биринчи – усмонли турк султони, Амир Темурга замондош.

⁴ Амир Темур лашкарлари 1400 йилда Ўрта Осиёдан узоқда – Ғарбда турк султони Боязид I ва Миср султони Фаражга қарши уруш ҳаракатлари олиб боради.

Элчи тонгда жўнаб қолди...
 Султон, Амир бир замонда
 Соҳибқирон бўлмайди,
 Икки қўчқор бир кўтонда
 Шохлашмасдан туролмайди.
 Икки лақдан – ҳар бир тараф,
 Анқарада бошланди жанг,
 Темурбекни ҳақ ёрлақаб,
 Султон ҳоли иложсиз, танг...
 Темур енгиб, Елдири¹ни,
 Европада ном қолдирди.
 Бошқар дея, ўз элингни,
 Валиаҳдни хон қолдирди...
 Париждадир гулзор-пайкал,
 Халоскорга заррин ҳайкал!

XXIII

Самарқандга қўйдик қадам,
 Қадамжолар айланамиз.
 Кумуш қани, сўраб ёрдам,
 Хур тупроққа бойланамиз...
 Марғилоний² қабрин кўрдик,
 Бўлдик қуръон тиловатда...
 Ҳартанг³да жим, сомёть бўлдик,
 Араб шайхи кироатда...
 Пирларга биз таъзимдамиз,
 Қайтиб шаҳри азимдамиз...
 Авлодлар жам хур замонда,

¹ Елдири¹ – Боязид Биринчининг ўта тезкор жанг ҳаракатлари устаси эканлигига ишорат берувчи лақаби, Елдири¹ Боязид 1402 йилдаги жангда енгилиб, Амир Темур томонидан асир олинган. Амир Темурнинг мазкур жангдаги ғалабаси Европани муқаррар истилодан сақлаб қолади.

² Бурхониддин Марғилоний ҳаётининг охириги қисминин Самарқандда ўтказган, Шайхул Ислоҳ лавозимида хизмат қилган. Буюк фақиҳ 1197 йилда Самарқанд шаҳрининг Сиеб туманида жойлашган Чокардиза қабристонида дафн этилган.

³ Самарқанд вилоятининг Ҳартанг қишлоғида Имом ал-Бухорийга ёдгорлик бунёд этилган.

Ишқ сурури жўшар қонда,
 Отабекка сафо келар,
 Ошиқ дилга наво келар:
 – Куйлар қадим Самарқандим,
 Юртимда – «Шарқ таронаси»,
 Куй-навонинг дурдонаси,
 Тинглагин, эй, жигарбандим!
 Нажот ғорларидан қадим наслимга
 Нур йўлин кўрсатган оташ қалдироқ
 Қуёшни қайтарди Наврўз фаслимга,
 Энтиккан даламда минг-минг қизғалдоқ ...
 Музли чўққиларнинг эрир елкаси,
 Туманга айланар, айланар сувга.
 Болакай – жилғалар, тўлиб ўпкаси,
 Нафасин чўзганча, югурар «зув» га...
 Тенгдошлар ҳайратда – тушар қувлашга,
 Ёшларга жўровоз, куйлай бошлар сой,
 Акс-садодан дара тушар увлашга,
 Ям-яшил адирлар – даста тушган жой...
 Болакай заминга ташларкан қучоқ,
 Куйлашни бошлайди сабо найлари,
 Тебранган дарахтлар – бўғиз пайлари!
 Куйлашга тушади
 Еру кўк, гиёҳ,
 Тераклар япроғи,
 Тол сирғасида – куй...
 Тингланг, она-юртдир
 Ҳофиз, навосоз!
 Қўшиқлар ўлкаси – бизнинг чаманрўй,
 Куйлашни ўрганинг,
 Чархлангиз овоз!

XXIV

Ҳикматбекда Эркнинг сози,
 Дилдан чиқди айтган рози:
 – Қамиш эдим тупроқ-хокимда,
 Ҳофиз суйган найга айландим.
 Чарос эдим чилги токимда,

Сув кўтармас май¹га айландим.
 Ҳаёт-мамонт кечган зотиман,
 Қалъа қурса, лойга айландим.
 Фарҳодлигим кўмса Ёсуман,
 Гўрўғлида тойга айландим.
 Ишқ ранжида чекдим жафолар,
 Ёр йўлида ойга айландим.
 Рухим-дилим қуйма наволар,
 Эркин куйлар сойга айландим...

XXV

Хур бинолар таниш – мақсад,
 Шоҳруҳ сўзлар, кўргач расад:
 – Кўрагоний буюклиги –
 Эмас сиртмоқ, қиличида.
 Бино қўйган суюклиги
 Улуғбекдир фан буржида.
 Расадхона² ёдгорлиги
 Битган фармон кучи билан.
 Буюк олим тождорлиги
 Шарқу Ғарбда «Зиҷ»и билан...

XXVI

Улуғбек – ёш, руҳи катта,
 Хур суҳбатдан турмас четда:
 – Сўзлай Ўлжас Сулаймон³дан,
 Туркий мулкка қўйган ихлос.
 Ғурурланиб Туркистондан,
 Туркий тилни этар эъзоз.
 «Осиё» ном рисоласи –
 Хур кўнгилнинг ҳаволаси...
 Айтар, туркий ипақдан лос –
 «Игор полки жангномаси»¹...

¹ Сирка, май тайёрланаётган идишга ҳаво кирса, маҳсулот сирка (жавҳар)га айланади.

² Улуғбек Расадхонаси (Самарқанд, 1428 – 1429 йиллар) Темурний шаҳзода Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) фармойишини билан бунёд этилган. Расадхона йирик астрономик асбоб ҳисобланади.

³ Қозоқ халқининг атоқли шоири ва адиби, замондошимиз.

XXVII

Шохруҳбек ҳам китоб кўрган,
Биз – сомеъ, у – айтиб турган:
– Маданият ўчоғимиз,
Ҳикмат тоблаб, қуйдик қилич.
Тошни кесган пичоғимиз,
Биздан мерос, ҳатто, «кирпич»,
Буни билдим ҳур сўзидан,
Қисса ўқиб Рабғузидан...

XXVIII

Ҳикматбекка навбат етди,
Суҳбат шундай давом этди:
– Темурбекнинг ҳарб санъати
Дарсдир шўро маршал²ларга,
Лек даҳрийлар салтанати
Рухга тортди қора парда...
Ҳақиқатни ёқлаб чиққан
Кирдан чиқмас совун бўлди,
Темур номин оқлаб чиққан
Мард Иброҳим Мўмин бўлди.
Ҳур либоси пок бўлгунча,
Эран эриб ишқор эди...
Ҳур Шохсувор от мингунча,
Ҳали қанча вақт бор эди!..

¹ Шарқий славянларнинг қадимий ёзма ёдгорлиги, мелодий X – XI асрларда яратилган.

² Шўро тарихида ҳарбий десант назариётчиси сифатида маршал М.Тухачевский кўрсатилган. Аслида, Амир Темур ҳарбий стратегия ва тактиканинг билимдони бўлганлиги, жанг ҳаракатларида десант тузилмаларидан мохирона фойдалангани «Темур тузукларида» баён этилган.

XXIX

Не даргоҳки, нафас ютдик,
Отабекка қулоқ тутдик:
– «Гўри Амир»¹ – мулки Сабр.
Оламгирлар пирхонаси.
Абру алак – атроф қабр,
Султон – шайхнинг остонаси...
Ҳамон тилсим: ўғринча тун,
Ҳадик кўзга тапланади...
Жаҳонгирни очишган кун
Чиндан уруш бошланади...

XXX

Кўрдик шаҳар биносини,
Тинглаб Ёдгор имосини:
– Бибиҳоним масжиди² бу,
Темурбекнинг даврига хос.
Сароймулкнинг хуршиди бу,
Хону амир этган эъзоз...
Зўр даврида заррин кийган,
Кўп пешона урган бино.
Даврон айтар, Малаксиймо,
Алла айтса, кўкси ийган...
Зиёратга сабрим етмай,
Қайтдим жоним оғриғида.
Онам бошин масжид этмай,
Пойин ўпай соғлиғида...
Онам ҳаждан келтирмиш хок,
Маданий соз атагай дур.

¹ Амир Темур мақбараси (Самарқанд, XIV аср охири – 1405 йил).

² Бибиҳоним мажмуаси (Самарқанд, 1399 – 1404 йиллар), Амир Темурнинг фармони билан унинг катта хотини Сароймулкхоним шарафига қурилган.

Менга ватан, юрт улуғроқ,
Она замин рухи – ғурур!

XXXI

Бино – дунё ҳашамати,
Шоҳруҳда сўз расамади:
– Меъморчилик санъат нозик,
Сал адашсанг, бино нурад.
Самарқандда ўзбек, тожик
Хур бинони бирга қурад...
Тўйлари ва ҳашари бир,
Дўст кўнгиллар куда-анда,
Ўйлари ва назари бир,
Ёр-биродар хур чаманда!

XXXII

Отабек ҳам чирой очди,
Эзгу дилин очиб-сочди:
– Гулзордаги куйлар гўзал,
Дўстлардаги иноқликдан.
Икки тилда – битта ғазал,
Ширу шакар, қаймоқликдан!
Қўшқўз узук, шуълаафшон,
Бири – гавҳар, бири – олмос!..
Навоийдан – дарс, имтиҳон,
Жомий қолса, жавоб тўлмас...

XXXIII

Ҳикмат ичра кўриб бўстон,
Улуғбек ҳам айтар дoston:
– Дўст сиймолар кўрмоқ мурод,
Хур ҳаёлда пайдо Ҳирот.
Сарҳад билмай зумда ўтдик,
Биз минган той – учқур Ғирот!

Хур саёҳат жабҳасида,
Бўлдик кўнгил қалъасида,
Дўст даҳолар суҳбат қурад,
Айни ижод палласида...
Жомий айтар Навоийга:
– «Хамса» – панжа, кафт бўлибди,
Икки дoston давомига,
Қарабсизки, «Ҳафт» бўлибди!
– Устоз, муҳиб, ҳўб аврангда,
Бунда қандай наф бўлибди?
«Хамса» – ўтмас «Ҳафт авранг» дан,
Ўтса, кўзим шаб бўлибди!
– Камолингиз орзу, бўтам,
Шукур, турқда якқаламсиз,
Бор иқтидор форсийда жам
Бўлса, бизлар ҳеч аламсиз!
– Раҳмат! Сиздай пири комил
Борки, асап танглайимиз!
Ҳикматда пир – буюк омил,
Сиздан, толе – манглайимиз!

XXXIV

Дostonчидан сизга салом,
От-шарифдан бошилар калом:
– Отинг билан туғилмасанг,
Отинг билан бўғиласан...
Тўғон бўлсанг, тошқин пайти
Сепояга суқиласан.
Афсона бор шундай ҳолга,
Тўғон ёри – вафодорга...
Сувдан чиқмас опшиқ кутиб,
Қиз айланган мажнунтолга...
Отим билан туғилганман:
Дам бузилган ўлкага деб,
Дам тузалган ўлкага деб,

Отдошларда бўғилганман ...
 Нетай, умр – аччиқ қисмат,
 Ўсдим бувим кучоғида.
 Балки шунда улуг ҳикмат:
 Рухим ўсди ёш чоғимда...
 Юсуф Ҳожи, Орзукуллар
 Катта қилган боболарим.
 Ҳамидахон, Саноголлар
 Матал айтган момоларим:
 – Бола бўлиб, қўлдан тушсанг,
 Шу йўрғақдан ариганинг.
 Фақат ўтган йўлдан тушсанг,
 Бу бизлардай қариганинг.
 Ёшсан, билгин, ўз қадрингни,
 Болам, ўрган, тарихингни!..
 Яссавийсан ва Румийсан,
 Мансур, Машраб, Фузулийсан,
 Феруз, Мунис, Огаҳийсан,
 Хувайдо ва Ҳазинийсан,
 Фурқат, Мухйи, Муқимийсан,
 Қошғарийсан, Хос Ҳожибсан,
 Хур номларга муносибсан!

XXXV

Ровий йўллаб тонги салом,
 Достонида этар давом:
 – Шоир бўлдим сердард, пурғам,
 Танқид – шўрим, сийланаман...
 Давронимни тушунган кам,
 Мен ким бўлдим?
 Дардга тўлдим!
 Кўзим гирён, ўзим ҳар ён,
 Чор атрофга шайланаман.
 Юрагида дард бепоён
 Отабекка айланаман!..

XXXVI

Дашту дала, ўтиб товдан,
 Дунёни бир кўрай дедим.

Кавказ етиб, Лермонтов¹дан
 Фариштасин сўрай дедим:
 – Нечун азиз, сенга Кавказ,
 Оҳанрабо ердир Ойга?
 Синдирдим Шимол кўрфаз,
 Бино қўйдинг тоғли жойга?!
 – Шомил² кўрдим, Кавказ сабаб,
 Бўтмадим ҳур нидони мен!
 Илҳомландим юлдуз санаб,
 Тоғдан олдим садони мен!
 Достонимда сочи мушкин
 Муслим қизи тасвирланган.
 Ажабланма, ҳатто Пушкин,
 Қуръон ўқиб таъсирланган!..
 Кавказ – ватан жон риштамга,
 Эга бўлдим Фариштамга!
 Ташлаб, майда юмушингни,
 Сен изла, ўз Кумушингни!

XXXVII

Отабекман, кўзи хумор,
 Излаяпман, пари рухсор...
 Дарё ёрим тарафмикан,
 Ёки ойдин саробмикан?!
 Терек бўйлаб чопди тулпор,
 Араратни ҳатлаб ўтдим.
 Юрт кўринди, осмон зангор,
 Арчазорга кулоқ тутдим...
 Атроф тоғлик, гуржи эли,
 Мен фаришта қайғусида...
 Тоғдан тушди Руставели³,
 Қолдим наво оғушида:
 – Ҳар шоирнинг дoston, шеъри
 Кўрсатади кимлигини:

¹ Лермонтов Михаил Юрьевич (1814–1841) – улуг рус шоири.

² Ўтмишда тоғли Кавказ халқларининг ватанпарвар курашчиси, раҳнамози, эпони.

³ Шота Руставели – атоқли грузин шоири, «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони билан машҳур.

Зўр ёпинса йўлбарс тери,
 Ёўр мақтанар думлигини...
 Гуржистонда мендай шоир
 Халқнинг мангу ўзлигидир,
 Навоийлар аввал-охир
 Башар қорақўзлигидир!
 Тамаддунда¹ назму ҳикмат
 Қўрсатар халқ даҳосини,
 Навоси йўқ кўплаб миллат
 Билмай ўтар баҳосини...
 Хур диёрнинг навоси бўл,
 Тоғ бўлса, сен, ҳавоси бўл!..
 Шоирмисан, кутма навбат,
 Чўчитмасин, ҳеч бир ҳайбат!
 Кеч туғилмоқ айб эмас ҳеч,
 Ҳеч кимсан деб айтгандан кеч!
 Бу дунёда шошқалоқ кўп,
 Балдоқ тақса, пойи қолар,
 Омоч тортса, термайди чўп,
 Битта кўшлик жойи қолар...
 Ялқов-анқов – ҳоли танглар,
 Чуқур ҳикмат қайдан англар?
 Бундайлар деб саёз тортсанг,
 Ўткир омоч – қалам занглар!
 Ёз, шуури нурлар учун,
 Садаф истар дурлар учун!..

XXXVIII

Муаллифни қийнар илҳом,
 Шеър қуюлар, гўё пайғом:
 – Саркаш ўйлар қийноғида,
 Шоирликдан жуда тўйдим.
 Собиқ подшоҳ қишлоғида
 Бир эманга елкам қўйдим.
 Дарахт қучдим, кирди тилга:
 – Менга юкин, тақдирдошим!...

¹ Тамаддун – тараққиёт (цивилизация).

Зурриёдман, мен ҳам қул'га,
 Хур дарахт бўл, эгма бошинг!..
 Ўз Кумушинг излаб топсанг,
 Сенга ёрдир, ўз Фариштанг!..

XXXIX

Ровий ўйчан шеърга қайтди,
 Ҳикмат жамлаб, таъриф айтди:
 – Маданият – нур таратиб,
 Баҳрамандлик дунёлардан.
 Вужуд-ла руҳ гул ясатиб,
 Ўрнат олиш сиймолардан.
 Урушишмас гўрдан тортиб,
 Зар шилишмас бинолардан...
 Маданият – кўриқхона,
 Хур табиат севар она!
 Башар – соҳиб хур гулига,
 Қарши жоҳил ҳар турига!..
 Маданият пичоқлашмас
 Дуч келган тоғ эчкисини...
 Маданият пачоқлашмас
 Янги қурмай эчкисини.

XL

Хурлик йўли – эмас осон,
 Отабекда дардли дoston:
 – Юрагимда буюк армон,
 Кумуш излаб, юрт кезаман...
 Менга Қўқон – суюк макон,
 Қалбда ғурур, шаън сезаман.
 Кўпга ҳавас учқур отлар
 Фарғонанинг фаҳри эди...
 Довруғи зўр сиймо зотлар,
 Шаҳри Латиф аҳли эди.
 Таърифида бошласак арз,

¹ Ганнибал – рус императори Пётр Биринчининг араб миллатига мансуб қули, улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин (1799 – 1837) нинг бобоси.

Амирий¹ни ёд этиш фарз,
Ҳоким эди Марғилонда,
Тахтга минди сўнг Қўқонда.
Тарихда у – шоҳ Умархон,
Моҳларойим топинган мард,
Шаръий аркон қўндирмай гард,
Рутба олган Жаннатмакон...

XLI

Не дегани Жаннатмакон?
Ёдгор шарҳлаб, айтар дoston:
– Қўқондан тарқалди фармони олий,
Кимки ҳеч намозни қилмаган қазо,
Иймондай саломат тўрт мучча аъзо,
Келсин тош қуйгани, қурилар Жомеъ²...
Муддат ўтди, такрор кетди жарчилар,
Хон истаган мўмин юртда топилмас,
Масжид пойин қўёлмаса бирор даст –
Шоҳ фаромуш, кўнгли пўстлоқ арчилар...
Лекин кутмай, берди мухтасар фармон:
– Халқ йиғилсин, янги Жомеъ жойига,
Ғишт терилар ўша бино пойига...
Халқ кўриб лол, ундан сира кутмаган:
Масжид таъмал тошин терар Умархон...
Тавозеъда тошдай қотди уламо.
Кундай равшан аён бўлди,
Дин аҳлидан Жаннатмакон
Ном муносиб зот чиқмади.
Халқ хайратда, наҳот шундай?
Пешволарнинг тилин қисди,
Хужраларда тун-кун демай

¹ Амирий – Амир Умархон (1787 – 1822) шоир ва давлат арбоби, турли мактаб ва мадрасаларда таълим олиб, араб ва форс тилларини, дунёвий илмларни мукаммал эгаллагач, акаси Қўқон хони Олимхон хизматида бўлади, акаси унга 1807 йилда Марғилон (Фаргона) ҳокимлигини топширади. 1810 йилда Олимхон фитна оқибатида ўлдирилгач, Умарбекни хонлик тахтига кўтарадилар.

² Қўқон Жомеъ масжиди (1809 – 1822 йиллар) Қўқон хони Амир Умархон фармони билан қурилади.

Бачкилатган пояси...
Юрт сарварин тавоф қилди фуқаро,
Ҳақ уйига ғишт қўйганди сояси...
Кимки билмас, ҳақ-ноҳаққа топинар,
Фатво сўраб, шошмасин кўз ўйишга,
Аминмикан, пешвосидан топилар,
Ярайдиган масжид тошин қўйишга?!

XLII

Достон шеърий парвоз бўлди,
Ҳикматдан ҳур овоз бўлди:
– Қўқондаги шеърий муҳит –
Тарихдаги шонли дoston...
Пир етишди зукко муҳиб,
Шеър кўрсатар Рум, Ҳуросон...
Аҳли қалам амиру хон,
Девонбегин девони бор.
Ғазали-ла зебо Қўқон,
Нодираи даврони бор!
Моҳлар асли Андижонлик,
Раҳмонқулбий¹ каримаси,
Хон-ла умри гузаронлик –
Гўзаллигин «жаримаси»...
Ҳоким – Амир Умархон ёш,
Тақдир гулрў этмиш тайин,
Нодирамиз – палаҳмон тош,
Марғилонга тушган келин...
Ғазал ичра Ҳур фаришта –
Ёр доғида куйган бағир,

¹ Андижон ҳокими, Моҳларойим (Нодира)нинг отаси.

Марди¹ вафот ўттиз бешда,
Ёш шоира қолди сағир.
Синдирса-да бахт қанотин,
Шайдо ўтди ёр васфига...
Ҳомий эди Жаҳон Отин –
Марғилонлик Увайсийга.

XLIII

Шохрух чархлаб хотирани,
Достон этди Нодирани:
– Қўқондаги хон саройи,
Маликанинг кўшқидамиз.
Боғу чаман, гул анвойи,
Шеърӣ гулшан кузатамиз...
Чистон ёқди Нодирага:
– Анор дебсиз сиз ҳарамни,
Муҳрлабсиз тўрт қаторга
Менда бори – бор аламни.
Моҳлар таслим, Маликасиз,
Синдирайин мен қаламни,
Нечун ғамнок бош эгасиз?
Тахт қутмоқда, Сиз санамни!
Кўнгли тўлиб Увайсий дер:
– Айтмабмидим, эзгу аҳдим,
Сиз ғанийга бағишлаш шеър?!
Сизга ёқди – олдим тахтим!
Сиздан битта эҳтиёжим,
Маъкул бўлса, айтинг хонга:
Соғинибман, йўқ иложим,
Бориб келсам, Марғилонга?!
– Йўлга руҳсат олгум хондан.

¹ Амир Умархон (Амирий) 1822 йилда вафот этган. Амирийнинг ўзбек ва тожик тилларидаги шеърлари 1887 йилдан 1909 йилгача бир неча бор девон ҳолида нашр этилган. Адабиётшунос олима Маҳбуба Қодирова 1972 йилда ҳам Амирий девонини чоп эттирган, лекин ўша йиллардаги ҳукмрон шўро мафкуриси «ўтмишни идеаллаштириш» ва «сарой адабиёти намунаси» тамғалари билан мазкур китобни ҳибсга олган ва тарқалишига йўл қўймаган.

Мардим менга йиқилгайдур...
Дил ёзишга айтинг чистон,
Хижил кўнги́л сиқилгайдур...
– Ёш малика юксакда бош,
Қўлин тортсам, тўкар дув ёш,
Хоним десам, сингилман дер,
Маржон кўзли бу не, сирдош?..
– Топинг, ариқ музлагунча,
Қиров еган даламдаман,
Бақа қур-қур бўзлагунча,
Ошга шерик лағандаман?..
– Гул жилдида қаймоқ, боли,
Тилга малҳам не таом бу,
Ҳикмат излар топар толе,
Беш хазина, не Калом бу?..

XLIV

Улуғбекка ўтмиш аён,
Тарихдан сўз этди баён:
– Ўтмиш бағри тилсим, чистон
Ҳар талқинга турфа жавоб.
Уйғониш ҳам тун зимистон,
Бутун тарих баҳс, ихтилоф...
Суғургандай қил хамирдан
Осон эмас айтмоқ кеча.
Замаҳшарий, Хондамирдан
Топишмоқдир Ибратгача...
Сўзим Измир қалъасидан.
Олғов шаҳар. Қрим жанги¹.
Енгилиб турк ҳамласидан,
Оқпошшонинг ўчди ранги...
Туркистонга келган саси:
«Сен босмасанг, сени босар».

¹ Қрим урушлари бир неча аср давом этган, охиригиси 1854 йилда бўлиб ўтган. Лекин «йиқилган қурашга тўймас» қабилида 1877 – 1878 йилларгача ҳам давом эттирилган рус-турк урушларига 1878 йилдаги Берлин конференцияси нуқта қўйгач, чоризмнинг ташқи сиёсатида асосий йўналиш узил-кесил Туркистонга қаратилади.

Зўравоннинг фалсафаси:
«Сең осмасанг, сени осар».

XLV

Отабек лаб тишлаб толди,
Бор маломат тўкиб солди:
– Қипчоқ эди содиқ шамшир
Қора чопон аъёнларга,
Сабаб йўқки бирор арзир,
Бордик низо, қурбонларга...
Эл-улуснинг мудҳиш куни:
«Киминг бунинг? Нима бунинг?»
«Улим»¹ деган боши учди...
«Будай»² деган тупроқ қучди...
Бу ҳам етмай, бир Туронга
Иккита хон, битта амир...
Юрт тайёрмас имтиҳонга,
Урушолди базми каср...

XLVI

Шохрух сўзи толитмади,
Ҳикматли сўз нолитмади:
– Эда удум тўн янгилаш,
Гар ёқмаса латта хотин.
Лек хон бўлса нобоп, сусткаш,
Ниқташ қийин патта хатин...
Аравадан чиқиб губчак³,

¹ Ўзбек тилидаги «ўғлим» сўзи қипчоқ лаҳжасида «улим» деб ҳам айтилади.

² «Бугдой» сўзи қипчоқ лаҳжасида «будай» кўринишига ҳам эга.

³ Арава гилдирагининг ўққа солинадиган қисмини губчак деб аталади, айланасимон қосқон –кунгира қисмини кегай деб, губчак билан кегайни ўзаро туташтирувчи тўғри чизиқли унсурларни эса гутин деб аталган.

Аттор йўлда қолган экан.
Хон суғориб шунда эшак,
Дўлидан пул олган экан...
Мозийнинг кир лаҳзаси бу,
«Ўткан кунлар» саҳнаси бу:
Таниб боқинг, ушбу хонга!
Қанча қуллар куёв этган,
Суяк ташлаб дошқозонга,
Ўзи сарсон, яёв кетган...

XLVII

Отабек жим, оғзи тахир,
Ёдгор сўзи бўлди фахр:
– «Ўткан кунлар». Муҳаббатда
Отабеги Қумуш бўлган.
Лекин бўлса юрт ғоратда,
Турмуш майда юмуш бўлган.
Қодирийлар унган юртда
Ватан сўзи тавҳид бўлган.
Мард ўғлонлар хур сурудда
Юрти учун шаҳид бўлган!

XLVIII

Чин фарзандлик аломати,
Шохрухда эрк маломати:
– Битта бўлмай, эдик учта,
Шарқ, Ғарб бўлди, бир Туркистон.
Махфий битим кирди кучга:
Юрт бўлинди, бўлди зиндон¹...
Кўзга тушса зирапча чўп,
Шалола ёш тирқирайди,
Арқ, шаҳарга ёғилди тўп,
Борим ҳамон зирқирайди!

¹ Романовлар ва Цин сулолалари ўртасида Туркистонни бўлиб олиш тўғрисидаги ўзаро келишув, мустамлакачилик битими ёдга олинмоқда.

XLIX

Қўмсаб жасур, мардларини,
 Ёдгор сўзлар дардларини:
 – Кўктепани билмай туриб,
 Минманг туркман отларига,
 Хор бўласиз эгар уриб,
 Аҳалтака¹ зотларига!
 Нурбердихон, Тикма Сардор²
 Ёвқур, қайтмас шерлар эди,
 Отлиқ қалъа солса чўқмор,
 Пилта милтиқ терар эди...

L

Шод этай деб хурлар руҳин,
 Шоҳрух сўзлар шон-шукуҳин:
 – Чўнг Олойдан қардош келса,
 Қарши олинг, олаймасдан!
 Эркак унвон берган тўра,
 Тул аёлин ололмасдан!..
 Додхоҳ Олой маликаси³
 Ёв йўлатмас қаҳр бўлган.
 Тоғдан эсиб, эрк нафаси,
 Олой номи фаҳр бўлган!

¹ Дунёга доврўги кетган туркман отларининг энг сараси, яъни Аҳалтака зотлари азал-азалдан Кўктепа водийсида етиштирилган.

² Нурбердихон, Тикма Сардор, Маҳдумқулихон, Муродхон ва Качар – Кўктепа калъасининг доврўрак ҳимоячилари, улар ўз қалъаларини узлуксиз қарийиб 10 йил давом этган жанговар курашда мардонавор сақлаб турганлар. Кўктепа мудофаасида 20 мингдан зиёд ватанпарвар шаҳид бўлган.

³ Қирғиз халқининг эрксевар қизи, генерал Қурбонжон Додхоҳ ёдга олинмоқда.

LI

Ҳикматдаги олимликми,
 Айтар фанда золимликни:
 – Бўлдик талъат, зулматда ҳам,
 Барчасига тарих шоҳид.
 Эмас эдик ҳеч кимдан кам,
 Дунёси бор бўлдик зоҳид...
 Ғарб юрганда этак тугун,
 Шарқ-ку фанни солган изга.
 Халқимизга етган зуғум –
 Даҳо чиқди саводсизга...

LII

Хурдан илҳом инояти –
 Ёдгорбекнинг ҳикояти:
 – Сўзлай, қизиқ ривоят бор,
 Руҳи масал ҳикоят бор...
 Қишлоқ ичра ўтиб товга,
 Сарой аҳли борар овга.
 Суннат ёши етган гўдак
 Минган пастак паҳса ғовга...
 Бола девор қамчилайди,
 Вазир айтар ўз шоҳига:
 – Бир той берсак, айна пайти,
 Сиздан совға улоғига.
 Шоҳ йўқлабди йилқибонни:
 – Не танласа, бергин, жигар!
 Амрин бажар, ёш султоннинг,
 Тиллақошли бўлсин эгар!
 Ҳудайчи, сен зарбоп тўн топ,
 Лойиқ бўлсин, шу маллага.
 От устига гиламча ёп,
 Уч кун ош бер маҳаллага!..

Овдан қайтиб шоҳ йўқлабди,
Титраб турар ясовуллар:
Гов минганга той ёқмабди,
Судраб келар отсиз эгар...

LIII

Дил ёритди олис нурлар,
Отабекнинг ёди – пирлар:
– Султон суяк саритмаса,
Эшон қўллар муридани.
Муҳиб диллар ёришмаса,
Пирга тиккай умидини...
Дукчи эшон номин оқлаб,
Шаҳидликни тугди дилга.
Озодликни чиқди ёқлаб,
Кубро¹ каби тушди тилга...

LIV

Боболардан юққан илҳом
Улуғбекда этар давом:
– Шайхлар шаштин англаш учун,
Жонни-жонга суқиш керак.
Шайхлар жангда фидо нечун?
Тасаввуфдан уқиш керак:
Шариат дер, ўлдир илон...
Тариқат дер, қийнама жон...

¹ Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) Хивақ шаҳрида туғилган. Машҳур мутасаввуф-олимлар – Мажиддин Бағдодий (Фаридиддин Атторнинг отаси) ҳамда Баҳовуддин Валад (Жалолиддин Румийнинг отаси) кабиларга устозлик қилган. Мўтул лашкаридан Урганч қалъасини ҳимоя қилишда бош-қош бўлган, душман томонидан 1221 йилда ваҳшиёна ўлдирилган.

Маърифат¹ни йўл тутган эр,
Тоза иймон Навоий дер:
– Саждадан тез туриб кетдим,
Кўзим тушди чумолига.
Намоз кечиб, инга элтдим,
Қолмай дедим, уволига...
Биз азизлар йўлин тутдик,
Оқибатда бизлар ютдик!

LV

Хур авлодлар эмас авом,
Ҳикматбекдан шундай калом:
– Тарих – мактаб, очди кўзим,
«Тузем»чига айтар сўзим:
«Маданият», ҳоким тўра,
Кўз боғлагич зўрлигинга!
Милтиқ ниқтаб, тунда туна,
Соҳиб боқмас кўрлигинга...
Маданият – бузук, ҳаром,
Масжид дўнса отхонага.
Эдил бўйин олган бобом
Шафқат қилган бутхонага»...

LVI

Кумуш излаб Тошкентдамиз,
Жадидлар-ла бир пайтдамиз...
Улар очди халқнинг кўзин,
Ёдгор айтар шундай сўзин:
– Маърифатга таҳдидларга,
Ёндашди эл фикрат билан.
Эргашди у жадидларга
Ғурурланди Фитрат билан
Мунаввархон, Маҳмудхўжа,

¹ Тасаввуф таълимотида Шаърият, Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқат мақомлари сўфийларнинг камолот босқичларини ва эришган даражаларини кўрсатади.

Авлоний нур палласида,
Миллат учун катта кўча
Очмоқ она алласида:
– «Қори бўлсин, Мулло бўлсин,
Пир асрасин, ёв пандидан!
Ушлагани тилло бўлсин,
Йўгин кўрсин фарзандидан!»
Йўғи унинг эрки эди,
Мардикор ёт хўжасига.
Курашсиз йўл беркик эди,
Кирди Жиззах кўчасига...
Халқ йиғилди ғалаёнга,
Хўжанд, Қўқон, Марғилонга...
Эл миршабга паст келмади,
Лек қўшинга бас келмади...

LVII

Кумушойдан йўқдир хабар,
Дарак борми Марғилондан?
Довон ошиб тушсак агар,
Сўраб кўрсак Поп, Қўқондан?
Инқилобдан сўзлаб эдик,
Ҳикматбекка навбат бердик:
– Дахрий шомон жазавада,
Русь йўлидан озган эди,
Горький¹ этиб мушоҳада,
Нафрат билан ёзган эди:
«Инқилобий шиор – бухтон,
Қани шахсинг эркинлиги?
Атамасак, фитна-исён,
Қани халқнинг яқдиллиги?

¹ Пешков Алексей Максимович (Горький) Шўро мафкураси томонидан тарихда рус йўқсил ёзувчиси сифатида гавдалантирилган, унинг инқилобий руҳдаги «Она» романига алоҳида эътибор берилган эди.

Демократия захарланди,
Ленин, Троцкий йўли – заққум.
Халқ бирлиги парчаланди,
Инқилобнинг йўли – ўлим.
Жамиятда – хавfli нураш,
Вайрон қилар синфий кураш!...»
Ҳар ўлкада шовқин-сурон,
Оқни қизил кўзи ёрди...
Таҳликада озод Турон,
Қатли омга дашноқ борди...
Мухторият¹ эди умид,
Лек етмадик орзу баҳор.
Нега, қардош билдик мурид,
Не хаёлда қолди Турор?!
(Ким деб, уйга ботманг узок,
Турор Рискул – илғор қозок)
Ёзаяпман қонли сатр,
Кўзимдан ёш дувиллайди...
Ўқ еган эл бағри - патир,
Юраксиз юрт хувиллайди...
Қизил қўшин ҳеч нарсадан
Ҳайиқмади, тап тортмади,
Ўттиз саккиз мадрасадан
Шикастсиз ҳеч қолмади...

LVIII

Сўх ёқалаб калъа етдик,
Отабекни тинглаб кетдик:
– Қадимшунос айтар шарҳин:

¹ Муваққат Ҳукумат қулатилгандан сўнг, 1917 йил 17 декабрда Ленин ва Сталин «Бутун Русия ва Шарқ мусулмонларига» деган мурожаатнома тарқатдилар.

«Қўқон ёши ҳамон жумбоқ,
Маданий қат кўрган босқин,
Лекин топдик чақма чироқ».
– Дўстим, изла, давог-қалам,
Разм солгин синган тошга,
Мактаб бўлган ҳар бир қалъам,
Сарқўрғонни кўтар бошга!

LIX

Марғилонга солганмиз йўл,
Таниганлар силкитар қўл...
Келдик Бағдод чўлларига,
Отабекнинг йўлларига...
Улуғбек жим боқиб қолди,
Ўйлаиб, сўз қоқиб қолди:
– Ҳазиний «Фарғона тонг отгунча»ни
Омонат оқшомда ёзган дейдилар.
Кутмасдан кундада қон қотгунчани,
Дарбадар, бадарға кезган дейдилар...
Ҳазратни қувганда золим оқ пошшоҳ,
Шоирни яширган – шу овлоқ қишлоқ!
Номини ҳижолаб, тушдим ҳайратга:
«Чап дор!» – «Дорга чап жой!» деганими, оҳ?!

LX

Ўтдик Риштон, Полосондан,
Қумтепага етдик бориб,
Ҳикмат сўзи ол замондан,
Адашганни этди таъриф:
– Сўзлашганда эдик гўдак,
Йўқ, ҳаёлий шаффофликдан.
Ота сотган – гўл, кўрнамак,

Мағрурланди кашпофликдан...
Ачинаман, этмай идрок,
Ёвга чопон армонимга...
Кафанлиги қизил байроқ,
Тинчимаган руҳ жонимга,
Ачинаман, дилда алам,
Ахир улар ким бўлса ҳам,
Ватанимнинг қизи, ўғли,
Даврин Беги, Қумушидир.
Жон таслими ўзбек тўнли,
Фитнакаш ёв юмушидир!
Сафдошлари қотил, ё раб?
Қабиҳликка нима сабаб?
Сабаб: улар етди англаб,
Қизил ғоя – Ҳурлик эмас,
Сохта дея, шафақ ранглар,
Аслий кунни этди ҳавас!
Кўрдик, гулхан тилларида –
Қибла билмас ноалари,
Туғилган кун, йилларида –
Кунда сўлар лолалари...
Сохта эъзоз адашганга –
Истибдоднинг анъанаси,
Халқ ҳақи деб сиранганга –
Кишан... Сибир... От чанаси...

LXI

Ҳурлар етдик Марғилонга,
Тушдик Тошлоқ, Шарқ томонга.
Турфа гапдан топдик хабар,
Улуғбекда сўз мухтасар:
– Босқинчилик, ташмачилик
Келди қузғун қанотида.

Исён эди босмачилик,
 Эрксевар юрт ҳаётида.
 Алимқул¹дан мерос қилич –
 Мадаминбек қўлларида!
 Халқ туғенин сезган Ильич²,
 Бўлди сулҳнинг йўлларида...
 Қасамхўр ва иймонсиздан
 Энг зўрига бўлгандик дуч:
 Сулҳга кўнган қуролсиздан,
 Қон тўкилди, олинди ўч!...

LXII

Ёр излашнинг хумори бор,
 Ёдда Кумуш рухсори бор.
 Шоҳимардон, бергин мадад,
 Ахир, Ёрдон диёринг бор!
 Ҳазрат Али тоғидамиз,
 Сўлим гўша боғидамиз...
 Нигоҳ қотди тош ҳайкалда,
 Шоҳруҳ айтди авж маҳалда:
 – Ҳамза қалбин изтироби:
 «Яша, Шўро! – Яша, Турон!»
 Маҳв этар инқилоби,
 Ҳанжар ботиб, тинди сурон...
 Ёв кечмас кир мақсадидан,
 Сабаб излар қатағонга.

¹ Алимқул (1833 – 1865) Андижон атрофидаги қирғиз-қипчоқ қабилаларидан бирида туғилган. Қўқон хони Муҳаммад Султон Саиднинг мураббийси ва маслаҳатчиси. Чор мустамлакачиларига қарши курашган лашкарбошилардан бири. Тошкентнинг Шўртепа мавзеёсида бўлган жангда ҳалок бўлиб, Шайхантоҳур қабристонига дафн этилган.

² Ульянов Владимир Ильич (Ленин).

Ҳатто рақиб жасадидан,
 Ниқоб ясар қатли омга...
 «Тошбўрончи» юзлаб томлар,
 Ҳар қадамда тузоқ, домлар
 Қирон диний амаллига,
 Ўлган чиқди «қамалди»га.
 «Қулоқ»ларга зиндон тўлди,
 Саводи бор сургун бўлди...
 Лекин золим қутганидай
 Миллат қалби ўзгармади,
 Яшар, пирлар айтганидай,
 Ёвни суймас ҳеч бир марди!
 Шўро «топди» халқ ичидан
 «Қизил миллий қаҳрамон»ни,
 Ўша рози турмушидан,
 «Эргаштирар оломонни»...
 Тўн авраси тескаридай,
 Адиби ол ипи қадар:
 Шўро қизил аскаридай
 Сиймо ясаб, Ҳамза атар!
 Шоҳимардон диёрида
 Мақбаралар бўлди ғорат,
 Эсланг, Шўро шиорида:
 «Дин афъюндир, дин – хурофот!...»
 Ҳамза, асли, тасаввуфни
 Зухур килган, амал билган.
 Мактаб очган¹, билган тибни,
 Жаҳидларга муҳиб бўлган...
 Ҳамза асли сўнгги дамда,
 Аҳволдан нолиб ёзган.

¹ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Қўқон ва Марғилонда миллий янги усул (жаҳид) мактаблари очган эди.

Арз кўрилган «совнарком»¹да,
Қарор – махфий: «йўлдан озган»...
Баъзи шеъри ёзилмаган,
Дерлар, ҳаёт кезлигида...
Нега «долзарб» «босилмаган»,
Пайдо яшин тезлигида?!

LXIII

Тоғда суҳбат қилдик оқшом,
Ҳикматбекда тарих давом:
– Эсимдадир кечагидай,
Коммуна ҳарб сиёсати,
«НЭП» эсланар эрмагидай,
Ўзгаради раёсати...
Кунда – айблов памфлетлар,
Алмашади портретлар...
«Доҳий» айтар: «Жамиятда
Синфий кураш кескинлашар,
Йўқсил синфи устун пайтда,
Мулқдор синфи токай яшар?
Ҳалқни бўлинг, оч ва тўққа,
Тўқлар нишон бўлсин ўққа!»...
Шундан сўнг ҳар маҳаллада
Фош этилар «муштумзўрлик»,
Бутун юртда ситам, ҳўрлик,
«Қулоқ» – уруғ-оилада...
Марғилонда йўқ-ки одам,
«Қулоқ»қа ҳеч алоқасиз,
Тўй-тўйчиқда бўлинг ҳамдам,
Сиз ҳам «қулоқ», улоқасиз!..
Ҳар қадамда илмоқ савол,

¹ Собир Шўро жумҳуриятининг Вазирлар Кенгаши.

Тўғри жавоб – бошга завол...
«Шермуҳаммад ўлмадими?
Хўрсиндингни, «йигити»сан!..
Кутган ҳосил бўлмадими?
Чиритгансан, чигитни сан!..
«Айби бор»лар покланмайди,
Иш қойиллаб, оқланмайди...
«Учлик ҳакам» – ўжар, меров,
Майда тишли, серзанг эгов:
«Ҳамзага сен тош отгансан,
Шундай зотни йўқотгансан!..
«Ликбес»¹ бормас мулладирсан,
Йўқсил десам, тўладирсан!..
«Буни олинг, назоратга,
Кутиб турсин «этап»²ини,
Херсонга деб ёзинг хатга,
Хатланг, кетмон, этагини!
Сананг, дўкон, урчуғини,
Тортинг, ипак, пилласини,
Ёзинг, мол-қўй, кучугини,
Яширган денг, тилласини!..
Қудуқларга қараб боқинг,
Китоб чиқса, хатлаб, ёқинг!
Машғул борми, илм-фанга,
Ёзинг, Чита, Магаданга,
Қаламига дарахт кессин,
Уран нури нима, сезсин!.. «
Паровозлар пишқиради,

¹ «Ликбес (Ликвидация безграмотности)» – «Саводсизликни тугатиш мактаби».

² Қатагон қилинганлар сургунни ўташ жойларига босқичма-босқич (по этапно) юборилган.

Гўдак бирга чинқиради...
 Холдан тойган «этап»чилар
 Она юртин туш кўради...
 Марғилонлик оилалар
 Пахта эқди Херсон, Донда.
 Келди қўшни қабилалар,
 Шаҳрихон ҳам бино ёнда...
 Кекса, гўдак – бари беҳол,
 Биров билмай қолар тилдан.
 Навқирон ҳам афтодаҳол,
 Баракларда ўлар силдан...
 Шукур, бизлар қайтдик омон,
 Ҳатто, кўрдик Хурлик замон,
 Ҳажда, эзгу калимада,
 Ўзни сездик хурлар шўҳи,
 Лек Норильск, Колимада
 Бордир юртдош хурлар ҳоки...

LXIV

Сухбат сойи ҳақгўй оқди,
 Ой тепада чироқ ёқди,
 Ўтмишдаги ноҳақликдан
 Отабек ҳам кўп тутоқди:
 – Қайси ёқдан чиққан шум гап,
 Ҳақ сўз ёқмас туққаннингта?
 Наҳот, онг ҳам икки тараф,
 Бири қарши уққаннингта?!
 Сўфизода Мамашариф,
 «Халқ шоири» унвонлига,
 Содик элчи, иймонлига
 «Халқ душмани» бўлди таъриф?!...

LXV

Сухбат авжи қаттиқ кетди,
 Ҳикматбекка навбат етди:
 – Лекин булар «ҳолва» эди,
 Бошланажак ғалва эди...
 Қатағонлар даври мудҳиш.
 Махсус кенгаш, учлик ҳакам,
 Ҳарбий ҳайъат сўрайди иш,
 «Гулаг»ларда ҳадсиз рақам...
 Илон даври, чаён даври,
 Кулворларда аждар ҳоври...
 Кичик десак танасини,
 Чаён ёмон илондан ҳам...
 Боши-думин этганча ҳам,
 Ёб тугатар онасини...
 Вайрон қилиб дилимизни,
 Чаён чақди тилимизни...
 Саратоннинг қизигида
 Чўлпон жони бўғизиди...

LXVI

Барча оғир ўйга чўмди,
 Ёдгорбекдан садо унди:
 – Ҳасад ва кин қонга урган
 Муттаҳамга маврид эди,
 Гувоҳ чиқар, чиқар кўрган,
 Шайтонга қул даври эди...
 Оқни қора атар иблис,
 «Қора қарға» судга қатнар.
 Марказқўмда тунда мажлис,
 Ёзилади қора хатлар...
 Жулкунбойнинг тақдири ром,
 Акмал Икром боши қотар:

– Ўйланг, ёмон миллатчи ном,
 Шу нарсадан хавфим ортар...
 Кумушингиз этмам, инкор,
 Гўзал сиймо, бергансиз зеб.
 Отабекда зиддият бор,
 Шаҳид қайси юртини деб?
 Ижодингиз қайта кўринг,
 Тайёр емсиз чақувчига!
 Реализм томон буринг,
 Мосланг, давр, ўқувчига!
 Шунда ёқар Бухаринга,
 Ҳатто, Ежов, Сталинга...

LXVII

Тушимни айтсам, сувлар музлади...

LXVIII

Тилимнинг ҳоври – бошимда булут...

LXIX

Шоҳруҳбекнинг ҳикояси –
 Хур инсоннинг кинояси:
 – Кўриб ўтдик қизил замон,
 Бошлар қотган, қизик даврон,
 Айтай десам, кўрган тушим –
 Очик дoston, дард – дастурхон!..
 Марказқўмдан келди буйруқ:
 – Топинг тотув оилани,
 Муносиблар кирсин тўлиқ,
 Бузманг, низом-қоидани!..
 Етмиш йилдик ўртоқ иков,
 Кўч кўтариб урушмабди.
 Чол карқулоқ, кампир соқов –
 Танлов ғолиб, билишмабди!

LXX

Ҳикматбекнинг дарди тошди,
 Дилидагин очиб-сочди:
 – «Байналмилал – фирқа кўзи»,
 Ўргатасан, менга котиб,
 Ўғирладинг, кимдан ўзи?!
 Сохта далил кетар ботиб...
 Навоийнинг рамзи – Фарҳод,
 Севган Ширин арманини...
 Дўст деб кутган элда фарёд,
 Не дей, дашноқ Гдлянини?!

LXXI

Хур авлодлар тортди хушёр,
 Ҳикматбекни ўртайди ор:
 – Боқиб тўмтоқ нам қаламга,
 Нега тушмай ғам-аламга?!
 Пичоқ тақмай ажаб бўлдим,
 Куним қолди қошқаламга!..

LXXII

Шоҳруҳ қалби хижил тортар,
 Номус кучи яна ортар :
 – Туз сепдингиз, дил ярамга,
 Сигдиrolмам ҳеч танамга:
 От унутиб ажаб бўлдим,
 Аёл йўрға аравамга...
 Ҳасан фирқа «қайта қуриб»,
 Масжид дала шийпон бўлган.
 Хусан фирқа тарнов буриб,
 Гул, Наврўзга ёмон бўлган...
 Халқ сабрининг поёни йўқ,
 Икки даҳрий омон бўлган.
 Қўшмозорнинг томони йўқ,
 Кўрган сўрар, қачон ўлган?..

LXXIII

Бойчибор эгарига ўзлигим минди...

LXXIV

Хур замона, ўктам суҳбат,
Улуғбекка келди навбат:
– Тўфон. Яшин, Момақалдирок,
Қирғоқ гувлар даҳшат чақиндан.
Бир зот чолар нурда қўнғироқ,
Ажрата бил, юртдош, шовқиндан!
Тангри суйди даҳо, иқтидор,
Унга берди нажот кемасин.
Ўша юртдош, билсанг, халоскор.
Истикболнинг тузди режасин!..
«Наврўз!» деса, ишонмас биров,
Қиш заҳри бор, кетмаган қиров,
Ўша жасур, қатъий аҳдида,
Хурлик йўлин кўрсатди дарров!
Темур янглиғ жасур, баҳодир
Ҳикмат сўзлар халқим номидан.
Бобомерос жой излар ботир,
Ўз қавмига дунё томидан...
Хур йўлларда очилди давон,
Тоннел битди, қўлимиз узун!
Ҳиндистон
Кутмоқда,
Колумбга армон!
Қутлуғ нигоҳ бандаргоҳда
Дўстлар тутар нону тузин,
Ўзбек кўрар уммон юзин!..
Элим равон Хурлик йўлида
Даҳрий, хочдан истамас нажот!
Ислом ўғли кема рулида,

Бор елканни ташланг, дер, озод!
Ватандош, сен – туғдор йўловчи!
Бўлгин ҳамдард, улуғ сарбонга,
Керак онда бўлгин, қўлловчи,
Тайёр тургин чорлов, фармонга!
Тайёр тургин, юртдош, сафардош,
Ўнг, сўл демай эшкак эшишга.
Кемамизга урилмасин тош,
Ушла сичқон, тушса тешишга!
Дунё кузат, бир зум ҳаваскор,
Тушунасан, бўлар нималар:
Топилмаса қайда халоскор,
Қумга ботиб турар кемалар...
Фақат бизда – тинчлик анъана,
Темур тўйи, Алпомиш тўйи,
Фарғонийда муборак сана,
Тикланди хур Бухорий уйи...
Марғилоний, Мотуридий,
Термизийлар номи эъзоз,
Обод бўлди юрт худуди,
Қадамжода хурга гумбаз...
Кеча бўлдик Хоразмда,
Нишонланди Оламоро
Байт-ул Ҳикма минг йиллиги.
Кўҳна Қарши тўй-базмида,
Боғбон суйган бўстонаро
Кўрдим юртнинг аҳиллигин...
Ҳар довону ҳар маконда,
Авж паллада бунёдкорлик,
Самарқандда, Марғилонда
Байрамолди тайёргарлик...
«Халқ сўзи» бош лавҳасида

Қувонтирди зўр хушхабар,
 Бу ҳам юртим шаън, бахтидир:
 Исломиий Ҳур палласида,
 Кўнгил уйи соф, муаттар
 Тошкент дунё пойтахтидир!
 Ҳикмат аҳли, бу – сенинг фаслинг,
 Илму ирфон, яшнагай ижод!
 Юртбошидир табаррук наслинг,
 Камол топар биз кутган авлод!
 Юрт кемаси карвон йўлида,
 Оппоқ елкан ёзади қанот.
 Тик машғала доно қўлида,
 Соҳил нурли, манзиллар обод!

LXXV

Ҳур даврада суҳбат давом,
 Шохруҳбекда ҳикмат давом:
 – Йигирманчи аср,
 Семурғ қуш ҳайҳот,
 Кун, ой, фасллар момиқ патида
 Киприк пар тўтиё, излаб кўп нажот,
 Қулатдик орзулар салтанатида.
 У уммон сўнгида, кетар мосуво...
 Тинглайлик, минг йиллик Оққуш кўшиғин,
 Не куйга солдинг сен, асрни, дунё,
 Кузатиш олдидан ўтиб ўксигин!
 Минг йилда ўттиз-қирқ авлод танга зарб,
 Аслида ҳеч нарсa инсониятга,
 Салиб юришлари юлдузаро харб –
 Бор-йўғи бир қадам абадиятга...
 Валекин ҳар қадам берилган қурбон
 Тирилса, дунёни кўтаргай бошга!
 Йигирманчи аср – нобуд, беомон,

Номини не атаб, битурмиз тошга?!
 Эзгулик-ёвузлик ўнгу терс санам,
 Тош қотган асрнинг даҳоси надур?
 Руҳ бўлиб учди-ку моддиюн одам,
 Йигирманчи аср баҳоси надур?
 Урушлар юз солиб, суд қилсак ният,
 Қоралаш мумкиндир ўнлаб саволда.
 Ва лекин оқлайди битта ҳақиқат,
 Кишанлар узилди юзлаб оролда.
 Нима деб номлайлик, шундай юз йиллик,
 Мен каби ҳайратда
 Миллиард кўз турар...
 Ватаним номидан, айтай, шод диллик,
 Тилимда замзама гавҳар сўз турар,
 Ҳурлик – бу, азизим, Ҳурлик замони!
 Ниҳоят ҳур кўрдик биз ҳам дунёни!!!

LXXVI

Неча авлод ташна эрка,
 Сўз навбати Ҳикматбекка:
 – Ҳар босқинга бизда қаҳр,
 Мардларимиз тикар жонин!
 Бу тарихда доғми, фаҳр,
 Не – «Туркистон легиони»?!
 Урушгача, кимнинг амри –
 Ҳадсиз шаҳид қирилгани?!
 Минглаб сургун, қайда қабри,
 Мен ким бўлдим, қайда маъни?!
 Бир босқиннинг икки даври –
 «Маданият», «ҳурлик» шиор.
 Оқ ва қизил байроқ абри,
 Икки номда битта беор!..
 Маданият қолмас қотиб,

Амал бизнинг сиймоларда!
Ғарб юрганда ўйга ботиб,
Шарқ айланган дунёларда...

LXXVII

Хур диллардан кетди қаҳр,
Отабекнинг сўзи фахр:
– Марғилонда, шоҳбекатда,
Улуғ фақиҳ қадамжоси,
Аҳли Калом мамлакатда
Шаръий қомус «Ҳидоя»си.
Ал-Бухорий ифтихори –
Ислондаги соний китоб,
Нақшбандий «Даст ба кору
Дил ба ёр»и – ўлмас хитоб...

LXXVIII

Ҳикматбекнинг вужуди шод,
Хур аждодлар айланди ёд:
– Ал-Фарғоний, ал-Хоразмий –
Илми чинор, ғужум ҳикмат,
Ал-Маъмурнинг ҳукми расмий:
«Султон билсин Байт-ул Ҳикма!»...
Бир кенгликда икки расад
Қуриш дўстлар ғоясидир,
Ўйлангирган икки асад¹
Ойнинг Кунга соясидир...
Саккиз юз қирқ иккинчи йил,
Келди хурлар айтган баҳор...
Кузатувда кўк муттасил,
Сўрашади, қанча вақт бор?
Қуёш, Ой, Ер – бир чизиқда,

¹ Арабча сўз, арслон (шер) маъносини англатади.

Бағдод байрам қилган кеча...
Ғарб мактаби ютқизиқда –
Етти аср, Кеплер¹гача!..
Ал-Фарғоний ҳисоби бу,
Коперник²ка китоби бу!

LXXIX

Равшан тортди кўкда юлдуз,
Шоҳруҳ сўзи – талъат, кундуз:
– Ал-Хоразмий ҳисобда шоҳ,
Алгебрининг ўқ илдиши!
Карданолар ўсган даргоҳ –
Ўқ илдининг куб илдиши...

LXXX

Боболари – илм наҳри,
Улуғбекнинг шони, фаҳри:
– Ал-Фарғоний илми мумтоз,
Фалакиёт тожи порлоқ,
Устурлобда шахс беқиёс,
Алфарангус номи ҳамроҳ...
Илми теран, чегарасиз,
Нил салмоқлаб урган бармоқ.
«Миқёси жаид»дан таъсис
Қонун билган ҳар бир ирмоқ:
Нил суви – ўн олти тирсак³
Ҳавзасида мўл-кўлчилик.
Эл шўридир ўн уч тирсак,

¹ Сайёраларнинг ҳаракатланиш қонунлари ва троекторияларини (босиб ўтадиган йўллари) урганган Ғарб олими.

² Коинот илмида гелиоцентрик назария (Қуёш коинот маркази эканлигига асосланган назария) асосчиларидан бири.

³ Тирсак – узунлик ўлчови бирлиги, қадимги араб дунёсида 1 тирсак 54 сантиметрга тенг бўлган.

Ўн иккида – очарчилик.
Агар тирсак ўн еттида:
Нил бошида сув тошқини,
Кимки Нилнинг энг кетида,
Олчи дейди ошиғини...
Фарғонийни билиб устоз,
Одил шоҳлар сабоқ олган,
Фармонига асос «Миқёс»,
Нилга қараб солиқ солган...

LXXXI

Шоҳрухбекка навбат етди,
Фахр билан шундай айтди:
– Фарғоний ва Хоразмийлар
Ўлчаган Ер меридианин,
Курра узра қўйиб паргар,
Тузган саҳиҳ харитани.
Бу – илк минг йиллик яқосида,
Қадим Санжар саҳроси¹да...
Кўп ёзилган шу харита,
Арабларга кўрсатган йўл.
Сузган барча денгизларда,
Авлодларда у қўлма-қўл...
Вақти келиб, Колумб² – куёв
Лиссабонлик кемачига...
Харитани кўриб бир ров,
У айланган эгачига...
Афсонавий саёҳати –
Денгизчилик лаёқати...

¹ Санжар саҳроси Арабистонда жойлашган.

² Христофор Колумб – Ҳиндистонга денгиз йўли орқали бориш мақсадида саёҳат уюштириб, ўзи билмаган ҳолда 1492 йилда Жанубий Американи очган денгиз саёҳи.

Борни топиш насиб бўлди,
Янги қитъа «кашф бўлди»...
Етсак олис фалакиёт,
Йўлчи юлдуз – бизнинг аждод!

LXXXII

Даҳолардан сўнгсиз суҳбат,
Ҳикматбекка келди навбат:
– Коинотдан кетганда сўз,
Унутмайлик Жавҳарийни!
«Сихоҳ» араб тилига кўз,
Адиби, турк гавҳарини...
Фаробийга у замондош,
Бир шаҳардан икки олим,
Туркистонлик икки қуёш –
Арабийда хос муаллим...
Донишмандлар руҳи – мардлик,
Кўнгил истар хурбаландлик.
Жавҳарийдир илк фазогир,
Қанот ясаб, этган парвоз...
Ғарблик Икар афсонадир,
Лек ҳақиқат Жавҳар устоз!

LXXXIII

Ёдгорбекнинг хотири жам,
Хур аждодин сўзлар у ҳам:
– Ал-Фаробий – соний устоз,
Арастуға шарҳлар ёзган,
Қомусий зот юксак парвоз,
Ўнлаб фанда ном қозонган.
Фалсафа, тиб, хандасада
Ёзган мумтоз рисоалар,
Ривож топган ҳар нарсада
Ундан мерос хулосалар...

Бобур қалбин эзган ғазал.
Ўзга юртда шоҳ бўлса ҳам,
Юртли гадо билди афзал...

LXXXVIII

Отабекка келган илҳом
Ҳикматбекда этар давом:
– Марғилондан шакарпалак
Келтиришга бериб фармон,
Палагидан жони ҳалак,
Полиз ҳиди бўлди армон...
Ҳинд соҳиби, қудратли хон
Ватан сари солмади от,
Юрт тахти деб тўкмади қон,
Қирғинсиз юрт кўрди обод...

LXXXIX

Шоҳруҳбек жим, ўйга толди,
Даҳоларни бўйга солди:
– Дунёда кўп ошинганлар,
Мол-давлатга шошилганлар...
Кўпдир дунё ҳорислари,
Шажараси этмас давом...
Дур-жавоҳир ворислари –
Заҳириддин этган инъом...
Авлод учун бермоқ жонни –
Болажонли халқимга хос.
Ўз наслига меҳрибонни
Ҳиндлар кўриб, қўйди ихлос:
– Тангрим, сенга керакми жон,
Мендан ол, қўй Ҳумоюнни!..
Соғаяди бемор ўғлон,
Бобур унга жонин сунди...

XS

Ҳур даврада сукут бир оз...
Отабекдан қиёс, таққос:
– Дунё кўрди турфа даҳо,
Ҳур кўнгиллар бергай баҳо...
Наполеон, Ленин, Сталин, Гитлер ...
Ким бўлганлар
Оддий ҳаётда?
Меҳрибон ота-ми,
Ёки қаҳри қаттиқ одам,
Шафқатдан бебаҳра вужуд,
Сопи калта болта-ми?
Совуққон жосус...
Ёки малъун киллер?!
Фарзанд учун қандай инсон?
Авлодидан борми нишон,
Насли-зоти қай ҳолатда?..
Очдим кўзгу жаҳоннамо,
Кўз ўнгимда сўнгги даҳо...
Халқ уруши унга доврўқ,
Ота кўзи басирликда:
Чекинганга ўлим буйруқ,
Ўғли ҳалок асирликда...
Меҳр уйи мангу яшар,
Қаҳр уйин бузар башар!

XSI

Ёш авлодга тикилди кўз,
Улуғбекдан ҳикматли сўз:
– Бобурий Ҳинд этди обод,
Чақирди юрт адолатга.
Бири Акбар – фарзона зот,
Чек қўйди бир жаҳолатга:

Хонадонда биров ўлса,
Жуфти билан ёққан улус.
Гирт етимга кўча тўлса,
Ҳинд бўлмасди олий нуфус!

XSII

Ўзбек дунё ҳар ёғида,
Шони фозил ардоғида.
Хурлик етиб, қад ростлади,
Достони кўп садоғида...
Камонига қайтмас пайкон,
Ўзбек қайтар ватанига.
Сафар рўзи етди поён,
Елдик Кумуш чаманига...
Хур замона, Наврўз, афрўз,
Отабекдан шундай дил сўз:
– Кумуш излаб, кўрдик дунё,
Кўрдик неча юрту макон,
Неча замон, неча даврон...
Хур кўнгилга тўлиб зиё,
Юртимизга қайтдик омон!
Ҳис этдик шон, улуғликни,
Дунё бизни билар экан.
Отабегу Кумушликни
Ёшларига тилар экан!
Ишқ-муҳаббат дунёсида
Таскин берар гўзал онлар...
Халқнинг кўнгил қалъасида,
Абадият биносида,
Ёру диёр сиймосида –
Ҳаёт биздай қахрамонлар!..
Топгандайман Кумуш нигор,
Муродимга гўё етдим:

Ишқи – дoston, ҳур, улуғвор
Халқ қалбига сингиб кетдим!

XSIII

Узр, шеърхон, азиз меҳмон,
Элтдим олис дунёларга.
Меъмор халқман, бўлманг ҳайрон,
Кўприк солдим дарёларга.
Хур чоғимда, ташланг, жаноб,
Димоқ-финоқ, иддангизни.
Далварзинда айланг тавоф,
Бобом қурган буддангизни.
Келинг, бирга бўлайлик жам,
Тўйда, азим Марғилонда.
Гўзал Шошга қўниб бир дам,
Пирлар йўқланг, Ғиждувонда.
Шунда чиндан ҳис этасиз,
Садаф тўла дурлигимиз...
Ишонаман, сиз айтасиз,
Аввал-охир ҳурлигимиз!

XSIV

Сукут сақланг!.. Сукут сақланг!..
Бу – Шаҳидлар жаннат жойи.
Ҳар заррасин Ёкут сақланг,
Бургутларим хоки пойи!
Бу – Ибрат жой, тоқатсизлар
Дарров айтар: «Муҳит қотил!»
Аслида-чи, қанотсизлар
Сақламаган Сукут қотил!..

ЧИҚИШ ДАРВОЗАСИ

I

Юрти – Каъба, дейди Калом,
Муслим, насрон, буддавийга.
Ҳаждан олдин бергум салом,
Бухорийга, Яссавийга.
Ватан яшнар хур замонда,
Тимсолида Ҳумолари.
Икки минг ёш Марғилонда
Мустақиллик бинолари!
Ҳар даҳада коллеж, мактаб –
Баҳор гули бодрамоқда.
Лицейларда тингланг тўхтаб,
Шоҳона байт янграмоқда:
«Даврон сўзим, кимда шубҳа
Биз эришган куч-қудратга,
Ёшлар билан қилсин суҳбат,
Боқсин бикр иморатга!»

II

Муҳаббатдан яшнар кўнгил,
Хур тупроққа бойланаман!
Ёру диёр севган ўғил –
Отабекка айланаман!...

III

Нурафшон Марғилонимсан,
Сарафроз эттали келдик,
Баландлар тахтиравоним,
Ки эъзоз эттали келдик.
Эли ботир замин узра

Гўрўғлилар минар Ғиркўк,
Диёрим хур мурод кўриб,
Чавандоз эттали келдик.
Жўра Султон ва Маъмуржон,
Тушиб йўлга икки ҳофиз,
Чақирдик эл жўровозда,
Тўй, афрўз эттали келдик.
Икки минг йил шаҳар ёши,
Замондоши ипак йўллар.
Ипак овоз кўнгилларни
Поёндоз эттали келдик.
Жўмард ўғлон этиб эъзоз,
Чаман бўлди ватан боғи.
Фидойи Юртбошига
Тилак-роз эттали келдик!
Жавохирсан, Қумуш юрти,
Муборакдир улуғ ёшинг,
Билиб Абдул Ҳамид созин,
Навосоз эттали келдик!

Адабий-бадний нашр

Абдул ҲАМИД

(чиқиш маълумотларида Абдулҳамид Юсупов)

КҮНГИЛ ҚАЛЪАСИ

тарихий-маърифий достон

Муҳаррир: Т. Рўзибоев

Тех. муҳаррир: У. Жабборов

Дизайнер: Д. Ҳалилов

Мусахҳих: Т. Акбарова

Босишга рухсат этилди: 2007 й.27.02. Нашриёт босма

табоғи – 5,75. Шартли босма табоғи – 5,5.

Бичими 84x108 1/16. Адади 500 дона. Буюртма № 18.

Баҳоси келишилган нархда.

«ФАРФОНА» нашриёти.

150104, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28.

«ФАРФОНА» нашриётининг ижарадаги

«Қиргули-Полиграфчи» УК босмахонасида чоп этилди.

Фарғона шаҳри, Қиргули даҳаси, Фарғона кўчаси, 6.